ЛЕНИН ЙЎЛИДАН—КОММУНИЗМ САРИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ


ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 78 (7218).

22 АПРЕЛЬ СЕШАНБА 1980 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИ МОСКВАДА, ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ВА ДУНЁДА БИРИНЧИ СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТ БУНЁДКОРИ ҲАМДА РАҲБАРИ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.



Владимир Ильич ЛЕНИН

КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Совет халқи Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини ижодий кучлар равнақ топган, сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган, партия режаларини, беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришга қатъий аҳд қилинган бир вазиятда нишонламоқда.

Ленин яшаган ва ишлаган замон тарихан узоқлашиб борган сари илмий тафаккур даҳоси, оташин революционер, Коммунистик партия ва дунёда биринчи социалистик давлат асосчиси, жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси ижодининг бутун улуғворлиги ва аҳамияти инсоният олдида янада ёркинроқ намоён бўлмоқда.

Давримизнинг —капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтиш даврининг барча буюк зафарлари В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғланғандир. СССРда ривожланган социализм жамиятининг барпо этилганлиги ленинизмнинг чинакам тантанаси бўлди. Қардош социалистик давлатларнинг халқлари Ленин ғоялари байроғи остида янги ҳаёт бунёд этмоқдалар, социалистик ҳамдўстлик мустаҳкамланиб бормоқда. Ленинизм социал адолат ва миллий мустақиллик учун, империализм, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши, Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашувчи миллион-миллион кишиларни илҳомлантирмоқда.

КПССнинг, партия Марказий Комитетининг, замонамизнинг атоқли арбоби ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг бутун фаолияти улуғ Ленин ғоялари ва васиятларига содиқлик билан суғорилгандир. Доҳий иши КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошираётган халқимизнинг зафарларида яшамоқда.

21 апрель куни Кремлнинг Съездлар саройида юбилей санага бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Залда пойтахт ва Москва областининг ишлаб, чиқариш илғорлари ҳамда наваторлари, партия ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, совет Қуролли Кучларининг жангчилари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари кўп эди. Чет эллик дипломатлар ва меҳмонлар, журналистлар ҳозир бўлишган.

Соат 17. Мажлис аҳли **Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. Н. Косыгин, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олдилар.

Чили Компартиясининг бош секретари Л. Корвалан, Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисменди, Панама Халқ партияси Марказий Комитетининг бош секретари Р. Соуса, Аргентина Компартияси Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси Р. Гиольди ҳам президиумга чиқдилар.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, КПСС Москва шаҳар комитети ва Москва область комитетининг секретарлари, Ленин партиясининг ветеранлари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг донгдор меҳнаткашлари, таниқли ҳарбий бошлиқлар, олимлар, жамоат ва ижодий ташкилотларнинг вакиллари, чет эллик меҳмонлар ҳам президиумдан жой оладилар.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришин** очди.

Залда Совет Иттифоқининг Давлат гимни янгради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Б. Н. Пономарев** «Ленинизмнинг буюк ҳаётий кучи» мавзусида доклад қилди.

Доклад эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис қатнашчилари ўринларидан туриб партия гимни «Интернационал»ни айтадилар.

Шундан кейин катта байрам концерти қўйиб берилди.

(ТАСС).

ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

ЎРТОҚ ЭДВАРД ГЕРЕККА

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

ЎРТОҚ ГЕНРИК ЯБЛОНЬСКИЙГА

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

ЎРТОҚ ЭДВАРД БАБЮХГА

Қадрли ўртоқлар!

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг 35 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети номидан, барча совет халқи номидан Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетига, ПХР Давлат Кенгашига, ПХР Министрлар Советига, қардош поляк халқига қизғин саломларимизни, самимий қутловларимизни ва энг яхши истакларимизни йўллаймиз.

Совет-Польша шартномаси халқларимизнинг Гитлер фашизмига қарши биргаликда олиб борган курашининг меваси, социализм ва халқ революцияси ғалабаси йўлига кириб олган тикланган Польшанинг биринчи халқаро ҳужжати бўлди. Халқларимиз ўртасида қардошларча бирлик ленинча ғояларини амалга оширган шартноманинг аҳамияти замон ўтган сари тобора равшанроқ намоён бўлмоқда.

Шуни зўр мамнуният билан айтиш мумкинки, СССР билан ПХР ўртасида социалистик интернационализмнинг мустаҳкам принципларига, идеологиямиз ва сиёсий мақсадларимизнинг муштараклигига асосланган иттифоқ замон синовидан ўтди. Эндиликда Совет-Польша муносабатлари бизнинг партия ва давлат йўли билан қилаётган ҳамкорлигимизнинг чуқур мазмуни билан бойитилмоқда, икки томонлама асосда ва ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида иқтисодий алоқаларимизнинг самарадорлиги ошиб бормоқда.

Шартноманинг йиллиги социализмни ҳимоя қилишнинг, Европада тинчликни ва хавфсизликни таъминлашнинг мустаҳкам қуроли — Варшава Шартномаси ташкилотининг 25 йиллиги арафасида нишонланмоқда. Биз социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг жипслигини мустаҳкамлашда ПХРнинг қўшаётган ҳиссасига, ПБИПнинг замонамиз туб проблемаларини ҳал қилиш йўлидаги куч-ғайратига юксак баҳо берамиз. Халқ Польшаси барча қардош социалистик мамлакатлар билан биргаликда империализм ва реакциянинг кескинликни юмшатиш жараёнига путур етказиш, куролланиш пойгасини авж олдириш йўлидаги уринишларига изчиллик билан қарши турмоқда.

Польша Бирлашган ишчи партиясининг яқинда бўлиб ўтган VIII съезди Польшани социалистик қурилиш йўлидан янада ривожлантириш, поляк меҳнаткашларининг фаровонлигини юксалтириш программасини белгилаб берди. Совет кишилари қардош поляк халқининг партия белгилаган социал-иқтисодий ривожланиш программасини муваффақиятли амалга оширишини астойдил тилайди.

Л. БРЕЖНЕВ А.КОСИГИН.

ЛЕНИНГА ТЕНГЛАШМОҚ —ҲАЁТ МЕЗОНИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари шонли сана — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси, дунёда биринчи социалистик давлат бунёдкори Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини ажойиб ғалабалар билан нишонламоқдалар.

Шу кунга бутун республика завқ-шавқ билан ҳозирлик кўрди. Заводлар, фабрикалар, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари план ва мажбуриятлар бажарилганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Энг яхши ишчилар беш йиллик топшириқлари муддатидан илгари адо этилганлиги тўғрисида, икки беш йиллик план нихоясига етказилганлиги ҳақида маълум қилдилар. Пахтакорлар экин-тикинни жадал ва сифатли ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Куни кеча ўтказилган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги Ильич ишига содиқликнинг янги намуналарини кўрсатди. Ўзбекистоннинг миллион-миллион меҳнаткашлари шу куни беш йиллик фонди ҳисобига жуда соз ишладилар.

21 апрель куни А. Навоий номли давлат академик катта театрида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг илғорлари ҳамда новаторлари, фан ва маданият арбоблари, Ленин партиясининг ветеранлари, партия, совет жамоат ташкилотлари, Совет Армиясининг вакиллари бу ерга келишди.

Тантанали мажлисни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров очди.

Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов доклад қилди.

(Давоми учинчи бетда)

ЛЕНИНИЗМНИНГ БУЮК ҲАЁТИЙ КУЧИ

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда ўртоқ Б. Н. ПОНОМАРЕВ доклади

Ўртоқлар! Партиямиз, совет халқи, коммунистик ва озодлик ҳаракати эндиликда В. И. Ленин туғилган кунининг бир юз ўн йиллигини нишонламоқдалар.

Шу кунларда Ер қуррасининг ҳамма жойларида В. И. Ленинга астойдил ҳурмат ва меҳр-муҳаббат сўзлари янграмоқда. Бу сана ленинизм асосида янги турмуш қураётган, Ленин ғояларини ижтимоий ва давлатлараро муносабатлар практикасига муваффақиятли мужассамлаштирган ва мужассамлаштираётган социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида, айниқса кенг кўламда нишонланмоқда.

Барча мамлакатларнинг коммунистлари ва меҳнаткашлари ўз нигоҳлари ва фикр-зикрларини Ленинга, унинг назарияси ва практикасига, унинг революцион курашчи, мутафаккир ва давлат арбобига хос даҳоси билан яратилган улуғ таълимотга қайта-қайта қаратмоқдалар.

Ер юзида яшаган кишиларнинг биронтаси одамлар учун, меҳнаткашлар учун Ленинчалик кўп хизмат қилган эмас. К. Маркс билан Ф. Энгельс социализмни утопиядан фанга айлантирдилар. Ленин социализм назариясини турмушга татбиқ этди. Маркс билан Энгельс ишчилар синфининг жаҳоншумул тарихий ролини назарий жиҳатдан асослаб бердилар. Ленин ишчилар синфини ҳокимиятни қўлга олишга бошлаб келди ва ишчи-деҳқонлар давлатига асос солди, социализм мамлакатини ва социализм қуриш илмини меҳнаткашларга мерос қилиб қолдирди. В. И. Ленин янги интернационал тажрибага таяниб марксизмни улуғ ғоялар ва умумлашмалар билан бойитди, ишчилар синфининг революцион кураши учун бирдан-бир голибона назарий дастур берди.

Ленин тузган Коммунистик партия қудратли революцион-ўзгартирувчи кучга айланди, Россия халқларига, сўнгра эса бутун инсониятга озодлик, тинчлик ва социализм йўлини очиб берган улуғ социалистик революцияга бошчилик қилди.

Ленинизм тарих ривожига шундай таъсир ўтказдики, ленинизмни инкор қилиш, унинг ролини маҳаллий бир нарса қилиб кўрсатиш ёки ўтган давр билан чеклаб қўйиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар назарий жиҳатдан ожиз, сиёсий жиҳатдан эса реакцион ва мағлубиятга маҳкум эканлиги яққол кўриниб турибди.

Бизнинг асримизда юзлаб турли социал назариялар юзага келди. Уларнинг баъзилари сезиларли из қолдирмади, бошқаларининг умри қисқа бўлди. Ҳаёт уларни рад этди. Марксизм-ленинизмнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у вақт ўтиши билан эндигина тарихнинг ичагина қисми мобайнида — тобора яққол тасдиқланмоқда ва кенг миқёсда тарқалмоқда. Унинг ихлосмандлари кўпайиб, тобора янги-янги мамлакатларда реал ижтимоий практикада мужассамлашаётганлиги — илмий коммунизмнинг универсал моҳияти ва тўғрилигининг яққол далилидир! Ҳозир Ер юзидаги сал-пал саводли киши ҳам Ленининг номини билади. Унинг китобларини юз миллионлаб кишилар ўқиб, ўрганмоқдалар.

Ҳар бир янги тарихий босқичда Ленин таълимоти ўзининг бойлигини янада тўлиқроқ намоён этмоқда, ўзининг тўғрилиги ва теранлигини намойиш қилмоқда, ижодкорликка, ҳаракат қилишга руҳлантирмоқда, социализм ғалабасининг мукаррарлигига ишончни кучайтирмоқда. У — доимо ривожланиб бораётган ва ҳаракат қилаётган барҳаёт таълимотдир. КПССнинг реал социализмни бунёд этиш йўлидаги бутун фаолияти партиямиз ленинизмни ижодий ривожлантираётганининг равшан намоёни бўлишидир.

«Инсониятнинг ҳозири ва келажагини Ленинсиз ва Ленинизмсиз тасаввур қилиб бўлмайди, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Ленин ғояларининг нури бутун инсониятга олға бориш йўлини — янги ғалабалар, янги тарихий зафарлар йўлини, эксплуатация ва зулмни батамом йўқотиш йўлини, социализм ишининг жаҳоншумул тантанаси йўлини ёритиб турибди».

Кечаги ленинизм — Октябрь ғалабасини ва биринчи социалистик жамият барпо этилганини билдирган, юз миллионлаб кишиларни озодлик ва социал адолатга чорловчи ҳамда курашга отлантирувчи қудратли даъват бўлган эди.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1980 ЙИЛГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ҳамда техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг таклифини кўриб чиқиб, қуйидагиларга 1980 йилги Ленин мукофотларини беришга қарор қиладилар:

1. Белоруссия ССР Фанлар академияси физика институти лабораториясининг мудири, Белоруссия ССР Фанлар академиясининг академиги Николай Александрович Борисевичга, шу институтнинг ходимлари — лаборатория мудирининг ўринбосари, физика-математика фанлари кандидати Виктор Владимирович Грузинскийга, катта илмий ходим, физика-математика фанлари кандидати Виталий Антонович Толкачевга, С. И. Вавилов номли Давлат оптика институти бўлимининг бошлиғи, физика-математика фанлари доктори Бертольд Самуилович Непоренгга — эркин мураккаб молекулалар спектроскопиясига доир ишлари туркуми учун.

2. Иш раҳбари, СССР Фанлар академияси П. Н. Лебедев номли физика институти лабораториясининг мудири, физика-математика фанлари доктори Вячеслав Васильевич Осикога, шу институтнинг катта илмий ходимлари, техника фанлари кандидатлари Владимир Ильич Александровга, Владимир Михайлович Татаринцевга, электровакуум прибор элементлари «Эмитрон» заводининг бош инженери, техника фанлари доктори Наум Абрамович Иофисга, Голинков «Стеклоприбор» заводининг собиқ директори Гарольд Алексеевич Овчинниковга, — янги класс монокристаллар — фианитларни яратганликлари ва тадқиқ этганликлари учун.

(Давоми учинчи бетда)

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА 1980 ЙИЛГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг таклифини кўриб чиқиб, 1980 йилги Ленин мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қиладилар:

1. Сценарий авторлари — РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими Кушель Лейбович Славинга, Игорь Моисеевич Ицкова, сценарий автори ва бош консультант, тарих фанлари кандидати, Андрей Михайлович Александров (Александров-Агентов)га, бош ҳарбий консультант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали, профессор Павел Алексеевич Курочкинга, режиссёрлар — Игорь Игоревич Гелейнга, Игорь Андреевич Григорьевга, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Илья Семенович Гутманга, Лев Степанович Даниловга, Василий Васильевич Катанянга, Семен Григорьевич Киселевга, РСФСР халқ артисти Леонид Михайлович Кристига, Семерамида Николаевна Пумпянскаяга, Тенгиз Александрович Семеновга, Нина Васильевна Соловьевага, Александра Яковлевна Рибаковага, Жемма Сергеевна Фирсова (Микоша)га, Зоя Петровна Фоминага, овоз оператори РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими Игорь Феликсович Гунгерга, РСФСР халқ артисти Василий Семенович Лановойга — 20 тўлиқ метражли фильмдан иборат «Улуғ Ватан уруши» ҳужжатли-публицистик киноэпопеяси учун (киноэпопеянинг бадиий раҳбари ва бош режиссёри. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. СССР халқ артисти Роман Лазаревич Кармен Ленин мукофотига бундан олдин сазовор бўлган эди).

(Давоми учинчи бетда)

ДЕЛЕГАЦИЯ ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СОЛСБЕРИ, 20 апрель. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги совет давлат делегацияси Ватанига жўнаб кетди. Делегация Зимбабве мустақил деб эълон қилинганлиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашиш учун бу ерга келган эди.

Жўнаб кетиш олдидан, Ш. Р. Рашидов бундай деди: Зимбабве мустақил деб эълон қилинганлиги муносабати билан ўтказилган тантаналардан катта таассурот олиб мехмондўст мамлакатингиздан жўнаб кетяпмиз. Биз бу ерда халқнинг чинакам завқ-шавқини кўрдик. Бу эса ўз суверен ҳуқуқларига эришган Зимбабве халқининг қонуний фахрланиш туйғуларининг ва унинг мустақил миллий тараққиёт йўлидан боришга қатъий аҳд қилганлигининг ёркин ифодаси эди.

Зимбабве раҳбар арбоблари билан учрашувларимиз ва суҳбатларимиз самимий, дўстона вазиятда ўтди. Айни шу учрашувлар ва суҳбатлар вақтида ҳар икки томоннинг чинакам тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат асосида СССР билан Зимбабве ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришга интилиши намоён бўлди.

Совет давлат делегациясининг бошлиғи самимий, дўстона кутиб олганликлари ва аъзо назарга эътибор учун сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этди ҳамда эркин, яшнаб турган давлат бўлиб етишда Зимбабве халқига ва ҳукуматига катта муваффақиятлар тилади.

Зимбабве Бош министри Р. Мугабе совет делегациясини кузатиб қолиш вақтида нутқ сўзлаб, КПСС Марказий Комитети, Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневга самимий салом ва энг яхши истакларини топширишни Ш. Р. Рашидовдан илтимос қилди. Мен, деди у, халқимизнинг совет халқи билан бирдамлигини изҳор этмоқчиман.

Меҳнат ва социал таъминот министри К. Кангли Ш. Р. Рашидова Зимбабве мустақиллиги эгаларини медалини топширди. Совет делегациясининг бошлиғи делегацияга кўрсатилган ҳурмат учун ташаккур билдирди.

* * *

Делегацияни Москва аэродромида КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Совети Раиси М. С. Соломенцев, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. Г. Кэбин, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. С. Рижов кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЛЕНИНИЗМНИНГ БУЮК ҲАЁТИЙ КУЧИ

(Боши биринчи бетда).

Бугунги ленинизм — социалистик давлатлар ҳамдўстлиги тимсолидаги реал социализмни, қудратли коммунистик ва озодлик ҳаракатини, мустамлака ҳукмронлигининг тугатилгани ва янги мустақил, эркин давлатларнинг барпо этилганини, кучлар нисбатининг социализм ва тинчлик фойдасига тубдан ўзгарганини ва урушларни инсоният ҳаётидан соқит қилиш мумкинлигини билдиради.

Эртанги ленинизм — мамлакатимизда коммунистик жамият, бошқа кўпгина мамлакатларда социализмнинг тантанасидан, социал ва миллий озодлик янги ғалабаларидан, барча халқларнинг мустаҳкам одилона тинчлиги ҳамда дўстлиги учун курашда муҳим муваффақиятларга эришажагидан дарак беради.

I. РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ —ЛЕНИН ҒОЯЛАРИНИНГ ТАНТАНАСИ

Ўртоқлар! В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини нишонлар эканмиз, биз уни янги ижтимоий тузумнинг улуғ меъмори деб эъзозлаймиз. У революциянинг бунёдкорлик вазифаларини ҳайратомуз тарзда чуқур очиб ва асослаб берди, мамлакатимизни социалистик негизда ўзгартиришнинг доҳиёна планини ишлаб чиқди ва Ер юзида биринчи социалистик давлат қурилишига бевосита раҳбарлик қилди. Унинг ғоялари ва амалий фаолияти янги дунёни қуришнинг ҳамма жиҳатларини — экономика ва сиёсатни, жамиятнинг раҳбар кучи бўлган партия ролини, қонунчиликни ва давлат аппаратини, идора қилиш ва мудофаа, фан, маданият ва санъат масалаларини, оммавий ташкилотларнинг ишини, хулқ-атвор ва ахлоқ нормаларини қамраб олар эди.

Партиямиз билан халқимиз Ленин васиятларини амалга ошириб, жуда катта йўлни босиб ўтдилар. Социализмнинг улуғ тарихий ғалабаларига эришилди. Лениннинг мамлакатни индустриялаш ва қишлоқни коллективлаштириш ҳақидаги миллий масалани ҳал этиш ва маданий революция тўғрисидаги ғоялари аллақачон рўёбга чиқарилган. Ленин орзу қилган ва режалаштирган ишларни партия билан халқ дадил амалга оширдилар, деб тўла асос билан айта оламиз. Ривожланган социалистик жамият қурилди. Одамларнинг дунёда мисли кўрилмаган янги тарихий бирлиги— кўп миллатли совет халқи таркиб топди.

Аммо революцион фикр ва революцион иш доҳийсининг бутун фаолияти ҳозир ҳам бизга, социализмга базис — экономика соҳасида ҳам, шунингдек устқурма — сиёсат ва идеология соҳасида ҳам хизмат қилмоқда ва келгусида ҳам хизмат қила беради.

Ленин типидаги атоқли арбоб, социалистик Ватаннинг равнақи учун, коммунизм учун матонатли курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети партиямизнинг буюк бунёдкорлик ишига раҳнамолик қилмоқда. Партия, унинг Марказий Комитети ҳаёт илгари сурган жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш проблемаларини изчиллик билан ҳал этмоқдалар.

Марказий Комитетнинг ўтган йили қабул қилган тарихий қарори ва КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми бунинг яққол далилидир. КПСС Марказий Комитетининг «Хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ҳамда партия ва давлат органларининг вазифалари тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори — XXIV—XXVсъездлар ишлаб чиққан партия иқтисодий стратегиясини амалга оширишдаги катта қадамдир. Бу қарорлар чинакам новаторлик руҳи билан суғорилган бўлиб, етилган проблемаларни ҳал этишга ленинча дадил, кенг ва айни вақтда илмий асосланган ёндашиш намунасидир. Бу қарорлар планлаштиришни ва хўжалик юритиш методларини такомиллаштиришни, давлат планининг ролини кучайтиришни ва айни вақтда демократик негизлар, меҳнат коллективларининг ҳуқуқлари кенгайтирилишини билдиради.

Қишлоқ хўжалигининг индустриал негизини ривожлантириш йўли қатъият билан ўтказилмоқда. Бу эса, Ленин ибораси билан айтганда, «деҳқончилик ва умуман қишлоқ хўжалик меҳнати унумдорлигини ниҳоят даражада оширишнинг...» асосий шартидир. Партиянинг ҳозирги босқичдаги ленинча аграр сиёсати КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори — идеология соҳасидаги партия ишининг яққол далилидир. Бу қарор — совет кишиларини юксак ғоявийлик, Ватанга, коммунизм идеалларига садоқат руҳида тарбиялашнинг узоқ муддатли программасидир. Марказий Комитетнинг қарори, шундан кейин бу қарор асосида ўтказилган Бутуниттифоқ кенгаши бутун ғоявий-сиёсий ҳаётдаги катта воқеа бўлди. Улар партиянинг идеология соҳасидаги фаолиятини совет жамияти ривожининг, қадам-бақадам коммунизмга ўтишнинг ва икки жаҳон системаси ўзаро курашининг ҳозирги босқичига мувофиқ такомиллаштиришга даъват этилгандирлар.

Л. И. Брежневнинг трилогияси ғоявий-сиёсий ишда Ленин анъаналарининг мужассамлашувидир. Леонид Ильичнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» ва бошқа асарлари дунёнинг кўпгина мамлакатларида нашр этилмоқда. Ленин мукофоти билан СССР Давлат мукофотлари комитети халқ оммасининг меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик туйғуларини ифодалаб ўртоқ Л. И. Брежневга муносиб мукофот беришга қарор қилди.

Партия Ленин васиятларига амал қилиб, ҳозирги тараққиётнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этмоқда. Ҳозирги босқичда партия ишининг асосий йўналишларини олиб кўрайлик.

Биринчидан, В. И. Ленин революциянинг бунёдкорлик программасини белгилаганида ишчилар синфи учун янги вазифани — давлатни ва моддий ишлаб чиқаришни идора қилиш, экономика ўсган сайин уни идора қилишни доимо такомиллаштириш вазифасини ўртага кўндаланг қилиб қўйди.

Экономикага раҳбарлик қилиш КПСС ўзгартирувчилик фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Лениннинг фикрича, бу — бизнинг энг асосий, энг мароқли ва тарих тажрибаси кўрсатганидек, жуда мураккаб сиёсатимиздир.

Социалистик экономика яхлит, илмий асосланган давлат плани негизида ривожланиши керак. Машҳур ГОЭЛРО плани шу ғоянинг дастлабки инъикоси бўлди. Ҳар сафар шу планни эсга олганда унинг кенг кўлами ва олисни кўзлаши кишини ҳайратга солади.

Лениннинг фикри «юз миллионларча кишиларни бир план билан ишлайдиган қилишдан» иборат эди. Партия бу фикрни амалга оширди. Бизнинг экономикамиз ҳамма қисмлари ўзаро боғланган улуғвор, яхлит хўжалик комплексидан иборатдир.

Совет экономикасини ривожлантиришдаги муваффақиятлар халқнинг турмуш даражасини ошириш учун шароит яратиб бериш билан бирга бошқа бир тарихий вазифани ҳам ҳал этиши — капиталистик система билан экономика соҳасидаги тинч мусобақа анча олис муддатгача реал воқелик бўлишини назарда тутиб, бу мусобақадаги ғалабани таъминлаши лозим. КПСС XXV съезди экономикани идора қилишни ривожланган социалистик жамият талабларига мувофиқ ҳолга келтириш шиорини ўртага ташлади. КПСС Марказий Комитетининг хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорида белгиланган конкрет тадбирларнинг муҳим бир системаси амалга оширилиши олға томон катта қадам қўйилишини билдиради.

Хўжаликни оқилона, самарали юритишни ўрганиш зарурати — ўзгармайдиган, доимий талабдир. Иқтисодий ва социал тараққиёт босқичларидан юқори кўтарилган сайин бу зарурат қайта-қайта, ҳар сафар анча юқори даражада вужудга келаверади.

Ҳозир хўжаликни омилкорлик билан бошқаришнинг маъноси нима? Партия бу саволга аниқ жавоб берди:

Бу — иқтисодий ўсишнинг интенсив, сифат омилларидан фойдаланишни кўзлаб иш юритиш, халқ хўжалигида юксак пировард натижаларга эришиш демакдир.

Бу — истиқболни кўзлаб ишлаш, кундалик мақсадлар билан узоқ муддатли мақсадларни тўғри бирга қўшиш, қабул қилинадиган қарорларнинг ҳам яқин, ҳам олис натижаларини эътиборга олиш, бошқариш, планлаштириш ва прогноз қилишнинг замонавий методларини эгаллаш, консерватизмни ва инерция кучини қатъият билан бартараф қилиш демакдир.

Бу — иқтисодий проблемаларнинг социал ва идеологик жараёнлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўриш, уларни комплекс ҳал қилиш демакдир.

Бу — ҳамма участкаларда, барча бўғинларда уюшқоқлик даражасини қатъият билан ошириш, давлат, план интизомига риоя қилиш демакдир. Лениннинг бошқариш илми ва санъатини эгаллаш тўғрисидаги шиори ҳозир партия, давлат, план. хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари фаолиятининг энг асосий соҳаларидан бирини белгилаб турибди.

Иккинчидан, В. И. Ленин меҳнаткашлар ҳокимиятини энг мукаммал техникавий базис билан боғлаш принципини, фан ва техника ютуқларидан меҳнат унумдорлигини ошириш учун, янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун фойдаланиш зарурлигини асослаб берди. Инсоният цивилизацияси тўплаган ҳамма қимматли тажрибалардан фойдаланиш лозим. «Бутун илм-фанни, техникани, бутун билимларни, санъатни эгаллаб олиш керак, — деган эди Ленин. — Бусиз биз коммунистик жамият турмушини қуролмаймиз».

Социалистик жамият хусусий мулкчилик ва одам одамни эксплуатация қилишига асосланган буржуа тузумининг муқаррар йўлдошлари бўлган маразлар ва иллатлардан холи эканлиги, кризислар ва ишсизликни жамият турмушидан соқит қилганлиги биланоқ ўзининг капитализмдан устунлигини исботлади. Социализм иқтисодий ўсиш суръатларида ва саноат маҳсулотининг кўпгина энг муҳим турларини ишлаб чиқариш даражасида ўзининг устунлигини исботлади. Социализм экономикаси неча ўн йиллардан бери муттасил ривожланиш йўлидан бораётганлиги яққол фактдир. Совет Иттифоқи пўлат, нефть, кўмир ва кокс, темир руда, чўян, минерал ўғит, тепловоз ва электровоз, цемент, тилинган тахта, жун газлама, чарм пойафзал, холодильниклар ва маҳсулотнинг бошқа баъзи турларини ишлаб чиқариш жиҳатидан дунёда биринчи ўринда турибди. Социалистик тузумда сифат кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам, шу жумладан ижтимоий меҳнат унумдорлигининг даражаси жиҳатидан ҳам капитализмдан ўзиб кетиш соҳасида Ленин ўртага қўйган вазифани ҳал этиш учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси муҳайё.

КПСС XXIV съезди фан-техника революциясининг ютуқларини социалистик хўжалик системасининг афзалликлари билан узвий равишда бирга қўшиш мақсадини ўртага қўйди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг бултурги қарори СССРнинг фан-техника тараққиёти 20 йилга мўлжалланган комплекс программасига алоҳида ўрин берган. Бу программанинг изчиллик билан амалга оширилиши меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришни, халқ фаровонлигини муттасил оширишни таъминлайди.

Фан-техника революцияси — бутун жаҳон миқёсидаги халқаро жараёндир. Биз ана шу азим дарёдан илмий тафаккур ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш тажрибаси яратган ҳамма яхши нарсаларни қабул қилиб олиб, аввало Ватанимизнинг фан-техника тараққиётини таъминлаш учун зарур бўлган жамики ишни қилишимиз, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг социализм юзага келтирган форма ва методларини такомиллаштиришимиз лозим.

Учинчидан. Онгли меҳнат интизомини шакллантиришни, меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялашни В. И. Ленин революциянинг энг асосий бунёдкорлик вазифалари жумласига киритган эди. Бундай интизомни ҳосил қилиш неча юз йиллар давом этган тутқунликдаги меҳнат, таёқ остидаги меҳнат қолдирган ғоят оғир сарқитни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган «жуда узоқ муддатга чўзиладиган иш» бўлишини В. И. Ленин огоҳлантириб айтган эди.

У ихтиёрий меҳнат (Ленин ибораси билан айтганда, «ўзи учун ишлаш») имкониятларини намоён этишда, омманинг меҳнатдаги ғайрат-шижоати ва ташаббускорлигини рағбатлантиришда социалистик мусобақа бош ролни ўйнайди, деб айтган эди. Лениннинг бу ғояси ҳозир коммунистик меҳнат ҳаракатида яшаб келмоқда, бу ҳаракатда қатнашаётган миллион-миллион меҳнаткашлар юксак ишлаб чиқариш маданияти ва самарадорлиги намуналарини кўрсатмоқдалар. Илғорларнинг тажрибаси биздаги жуда катта имкониятлар ва резервлардан далолат бериб турибди.

В. И. Ленин туғилган кун шарафига коммунистик шанбаликлар ўтказиш ажойиб анъана бўлиб қолди, улардан тушган маблағ халқ соғлиғини сақлашга ишлатилмоқда. Бу йил бир миллиард сўмдан кўпроқ маблағ халқ соғлиғини сақлашга сарфланади.

В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида Москва ва Ленинград меҳнат коллективларининг ташаббуси билан беш йиллик топшириқларини 1980 йил 22 апрелгача бажариш мусобақаси кенг қулоч ёзди. Ишлаб чиқариш новаторлари, миллион-миллион меҳнаткашлар Ленин таълимотига, социализмга содиқ эканликларини сўзда эмас, ишда ҳам тасдиқлаб, ўз ваъдаларининг устидан чиқдилар. Ленинча зарбдор вахтанинг барча қатнашчиларини КПСС Марказий Комитети номидан табриклашга ва шу даврда эришилган марралар аниқланган имкониятларни ҳисобга олиб янада олға босиш учун илк марралар бўлиб қолсин, деган тилакни билдиришга ижозат бергайсизлар.

Биз меҳнат интизомини ошириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш соҳасида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бу ўринда жамият, меҳнат коллективи ва ҳар бир алоҳида ходимнинг манфаатларини бирга қўшишдан иборат ленинча принцип жуда катта аҳамиятга эгадир.

Тўртинчидан. Революциянинг бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишни В. И. Ленин социалистик демократияни ривожлантириш билан боғлиқ деб билган эди. У олий, совет типидаги демократизмни янги тузум кучларининг битмас-туганмас манбаи деб ҳисоблади. Партия мана шунга доимо таяниб келмоқда. У марказлаштирилган негизни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан бирга сиёсатда ҳам, экономикада ҳам бизга қуйидан бўладиган ташаббусга кенг уфқ очиб берадиган демократик централизм зарурлигига асосланади.

СССРнинг янги Конституцияси Совет давлати ривожида катта қадам бўлди, у халқ ҳокимиятининг эришилган даражасини гарантиялабгина қолмай, социалистик демократияни янада ривожлантиришни; давлат ва жамият ишларини идора қилишда гражданларнинг тобора кенг кўламда иштирок қилишини; давлат аппаратини такомиллаштиришни; халқ депутатлари Советларининг ролини оширишни; жамоат ташкилотларининг активлигини оширишни; халқ контролини кучайтиришни; давлат ва жамият турмушининг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашни; жамоатчилик фикрини доимо эътиборга олишни ҳам назарда тутади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, маҳаллий Советларга яқинда ўтказилган сайловда 2 миллион 275 минг халқ депутати сайланди, уларнинг 57 проценти партиясизлар, 43 проценти коммунистлардир, социал состави жиҳатидан: 43 проценти ишчилар ва 25 проценти колхозчилардир. Демократиямизнинг моҳиятини мана шу рақамлар жуда яхши кўрсатиб турибди.

Сайлов давомида мамлакатимиз тарихий муваффақиятларининг жозибадор манзараси намоён бўлди. Раҳбар арбобларнинг ҳам, маҳаллий ходимларнинг ҳам, оддий совет сайловчиларининг ҳам нутқларида айниқса, кейинги ўн йилликлар мобайнида эришилган ана шу ютуқлар кўрсатиб ўтилди. Совет кишилари социалистик Ватанимиз йил сайин тобора кўркам, қудратли бўлиб бораётганлиги тўғрисида ҳаққоний ифтихор туйғуси билан гапирдилар. Шу билан бирга камчиликлар ҳам очиб ташланди, ҳал этилмаган масалалар тўғрисида ошкора гаплашиб олинди, олға томон бундан буёнги қилинадиган ҳаракат режалари белгиланди.

Бешинчидан. В. И. Ленин ижтимоий ишлаб чиқаришни халқ фаровонлигини ошириш, меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўла-тўкис қондириш вазифасига бўйсундиришни социализм, коммунизм қурилишининг бош маъноси деб билди.

Ҳозир биз шуни айта оламизки, мамлакатимиз меҳнат қилиш, илм олиш, дам олиш, соғлиқни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кексайганда таъминланиш сингари асосий ҳуқуқлар ва эркинликларни гражданларга реал равишда таъминлаш ишида капитализмдан аллақачон ва анча ўзиб кетди. Бизда уй-жойли бўлиш соҳасида капиталистик дунёда мисли кўрилмаган ҳуқуқ таъминлаб қўйилган. Ҳозир СССРда бошқа ҳар қандай мамлакатдан кўра кўпроқ миқдорда квартира қурилмоқда. Кунига беш ярим мингта квартира қурилиб, совет гражданларига бепул топширилмоқда. Кейинги ўн йил мобайнида салкам 22 миллионта янги квартира қурилди. 109 миллион киши уй-жой шароитларини яхшилаб олди.

Партия ишлаб чиққан социал программа бошидан охиригача инсон тўғрисидаги ленинча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Бу программа изчиллик билан амалга оширилмоқда. Кейинги икки беш йиллик мобайнидагина аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар қарийб 1,5 баравар, ижтимоий истеъмол фондидан бериладиган тўловлар, имтиёзлар 1.8 баравар кўпаяди.

Ленин ташаббуси билан бошланган маданий революция мамлакатнинг маънавий ҳаётида ҳақиқий туб бурилиш ясади. Шу туфайли Совет давлати халқ маорифининг савияси жиҳатидан энг илғор давлатларнинг бирига айланди. Халқимиз жаҳон маданияти чўққиларини ўзлаштирганлиги социализмнинг яна бир ютуғидир, капитализмни абадий орқада қолдириб кетган яна бир соҳадир.

Социалистик жамиятда қарор топган маданият билан меҳнат иттифоқи маданиятнинг ўзи халқчил характер касб этганлигида, адабиёт ва санъат арбоблари коммунистик жамиятни бунёд этишга, инсонни тарбиялаб вояга етказишга ижодий ҳисса қўшаётганлигида ўзининг чуқур ифодасини топмоқда. Бу инсон учун Лениндан ибрат олиш, Лениндан ўрганиш ҳаёт позицияси бўлиб қолди.

Ўртоқлар! Коммунистик қурилиш вазифаларини ленинча дадиллик билан ўртага қўяётган ва халқни шу вазифаларни бажаришга сафарбар қилаётган Коммунистик партиянинг раҳбарлик фаолияти барча муваффақиятларимизнинг гарови бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Коммунистик партия ўзининг халқ олдидаги бурчига ленинча муносабатда бўлиш ва халққа хизмат қилиш намунасини кўрсатмоқда. Унинг бутун фаолиятига Ленин услуби сингдириб юборилган. Бу услуб ижтимоий жараёнларга илмий ёндашишни, ўзига ва бошқаларга юксак талабчанликни, бюрократизм ва формализм кўринишларига муросасизликни назарда тутади.

Энг зарур проблемаларни ва қийинчиликларни ошкора муҳокама қилиш ҳамда шу қийинчиликларнинг сабабларини аниқлаш ҳам ленинча раҳбарлик услуби жумласига киради. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг узоқ муддатгача принципиал аҳамиятга эга бўладиган чуқур мазмунли ва самимий нутқи шу услубнинг яққол намунасидир.

Партия танқид ва ўз-ўзини танқидни доимо ривожлантирмоқда. Танқидга тўғри муносабатда бўлиб, шунга яраша иш тутиш — кадрлар ва ташкилотлар сиёсий етуклигининг кўрсаткичидир. Танқидни бўғиш йўлидаги уринишларни эса партия йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб билади.

Лениннинг меҳнаткашлар хатлари билан ишлаш тўғрисидаги васияти муттасил амалга оширилмоқда. КПСС Марказий Комитети буни аҳоли билан алоқани мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси, ахборот манбаи, деб таъкидламоқда.

Сиёсий-тарбиявий ишда В. И. Ленин асарларини коммунистик қурилиш практикаси билан узвий равишда боғлаб ўрганишга доимо эътибор берилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган куннинг бир юз ўн йиллиги тўғрисидаги қарорида ленинизмни янада яхшироқ ўрганиш ва уни турмушга татбиқ этишнинг катта программаси баён қилинган. Партия ташкилотларида: «Ленинчасига, коммунистчасига яшаймиз, ишлаймиз ва курашамиз» деган кун тартиби билан ўтказилган очиқ партия йиғилишлари Ленин меросини ўзлаштиришнинг муҳим янги формаси бўлди. Бу йиғилишлар идеология ишини турмуш билан боғлашни мустаҳкамлашга кўмаклашди, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини янада оширди, меҳнаткашларни КПСС теварагига маҳкамроқ жипслаштирди.

Коммунистик партия В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини куч-ғайратга тўлиб, янги тажриба билан бойиб кутиб олди. Ҳозир партия ўз сафларида 17 миллиондан кўпроқ коммунистни бирлаштириб турибди. Совет халқининг бутун революцион, ўзгартирувчилик фаолиятига раҳбарлик қилаётган, мураккаб халқаро шароитларда мамлакатимиз йўлини дадиллик билан ўтказаётган КПСС Лениннинг: партия сафлари бирлигини, партия билан халқнинг жипслигини, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқини, мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлигини ардоқлаб сақлаш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги энг асосий васиятини муқаддас билиб, унга амал қилмоқда. Л. И. Брежнев ўз нутқида қуйидаги ажойиб сўзларни айтди: «жамиятнинг жипслиги, бирлиги — социализмнинг ноёб мулкидир, бизнинг бебаҳо енгилмас кучимиздир... Ғанимларимиз тарих сабоқларини эсдан чиқармасинлар. Биз билан дўқ-пўписа тилида гаплашишга уринмоқчи бўлган пайтда совет кишиларининг бирлиги алоҳида куч билан намоён бўлишини улар билиб қўйсинлар. Социализм нималигини билиб олган халқнинг буюк ғалабаларини тугата оладиган куч ер юзида йўқ, жамиятимиз душманлари 60 йилдан кўпроқ вақт мобайнидаги тарих сабоқларидан буни аллақачонлар билиб олишлари лозим эди».

Биз КПСС Программасидаги ҳамма мақсадларга эришиш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз лозим. Совет халқи 80-йилларга қадам қўяр экан, келажакка комил ишонч билан назар ташламоқда. Бизнинг идеологиямиз, социалистик турмуш тарзимиз тарихий умидворлик руҳи билан суғорилган. Ҳозир — коммунизм замонидир!

II. ЛЕНИНИЗМ ВА ЖАҲОН ТАРАҚҚИЁТИ

Ўртоқлар! В. И. Лениннинг улуғвор хизмати шундан иборатки, у янги тарихий даврда жаҳон тараққиётининг асосий тенденциялари ва механизмини кашф этди, унинг энг асосий қонуниятларини аниқлади. Лениннинг «Империализм — капитализмнинг юқори босқичи» деган асари, унинг жаҳон жараёнларини анализ қилишга бағишланган бошқа асарлари ўз аҳамияти жиҳатидан Карл Маркснинг доҳиёна «Капитал» асари билан бир қаторда туради.

Ленин империализм жаҳон урушларини келтириб чиқаради ва социализм халқларга тинчлик келтиради, деган ва инсоният тақдири учун жуда муҳим бўлган ғояни ўртага ташлаб, асослаб берди. Социализмнинг муваффақиятлари ва кучи урушга қарши барча кучлар жипслашган тақдирда жаҳон урушини жамият ҳаётидан чиқариб ташлаш имконини берадиган шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Социалистик революция тўғрисидаги, аввал бир мамлакатда социализмнинг ғалаба қилиши мумкинлиги ҳақидаги, икки системанинг тинч-тотув яшаши тўғрисидаги, ҳозирги даврда миллий озодлик ҳаракатларининг роли ҳақидаги, ҳозирги капитализм шароитида ишчилар синфи революцион курашининг формалари тўғрисидаги таълимот — мана шуларнинг ҳаммаси Лениннинг империализм тўғрисидаги фикрлари билан чамбарчас боғланган. Ленин ана шу проблемаларни ишлаб чиқди ва меҳнаткашларни синфий кучларнинг жойланишини ва революцион ўзгартиришларнинг йўлларини билишнинг пишиқ-пухта илмий методи билан қуроллантирди.

В. И. Ленин, большевиклар бунёд этган биринчи социалистик давлат ҳатто империалистик қуршов ҳалқасида бўлган пайтида ҳам, ўша вақтдаёқ халқаро муносабатлар ва жаҳон тараққиётининг марказида турди. Энди, Ленин башорат қилганидек, жаҳон сиёсатига жуда катта таъсир ўтказаётган социалистик ҳамдўстликни ташкил этувчи бошқа давлатлар у билан ёнма-ён бормоқдалар. Ленинизмнинг асосий принципларига риоя қилинаётган жойларда муваффақиятга эришилмоқда, социализмнинг позициялари мустаҳкамланиб, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий турмуш даражаси доимо ошиб бормоқда. Бу принципларга хилоф иш тутилаётган, ленинизмдан орқага чекинилаётган жойларда, масалан, Хитойда турғунликка дуч келинмоқда, орқага кетилмоқда ва илгари курашиб қўлга киритилган ютуқлардан маҳрум бўлиш хавфи туғилмоқда.

Совет Иттифоқида, сўнгра эса социалистик ҳамдўстликда социализмнинг тарихий ғалабаси, социалистик тузум бунёдкорлик имкониятларининг юзага чиқиши бутун дунёни ўзгартирувчи жуда муҳим омил, ҳозирги даврдаги бутун социал тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлди.

Социализмнинг ўзини ҳимоя қила олиш, ўз ғалабаларини империализм тажовузларидан муҳофаза қила олиш қобилияти ҳал қилувчи бошқа бир омил бўлди. Яна бир неча кундан кейин жуда кенг омма ва аввало совет халқи фашизм устидан қозонилган Улуғ Ғалабанинг 35 йиллигини нишонлайдилар. Совет Иттифоқи ва унинг шонли Қуролли Кучлари энг кўп қон тўкилган урушда Ватан озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилибгина қолмай, бошқа халқларга озодлик ҳам келтирди, инсониятни фашистлар асорати хавфидан сақлаб қолди.

Барча халқлар Советлар мамлакатининг жасоратига офарин айтиб, унга бениҳоя зўр миннатдорчилик ва меҳр-муҳаббат туйғуларини изҳор этдилар. Ғарбдаги кўпгина давлат ва ҳукуматларнинг бошлиқлари бу ҳақда баралла гапирдилар.

АҚШ президентлари совет Қуролли Кучларига ўз ташаккурларини бирин-кетин билдирдилар. «Рус армияси билан рус халқи нацистлар босқинига қарши курашда зарбанинг асосий оғирлигига бардош бермоқдалар» ва «беқиёс қаҳрамонлик» кўрсатмоқдалар, деди АҚШ президенти Рузвельт. «Европадаги уруш вақтида Қизил Армиянинг улуғ жасоратлари бутун дунёни лол қолдирди», деди Эйзенхауэр. Ҳатто Советларга қарши кайфиятдаги президент Трумэндек арбоб ҳам бундай деб ёзди: «Совет Иттифоқи «Цивилизация ва озодлик ишига ажойиб ҳисса» қўшди, «эрксевар ва олий даражада довюрак халқнинг ҳар қандай қудратли ва ваҳшийликнинг ёвуз кучларини енга олиш қобилиятини» намойиш қилди.

Англиянинг ўша пайтдаги бош министри бундай деди: «Қизил Армия олдидаги бурчимизни биз ҳеч сўзсиз тан олаётганимиздек, келгуси авлодлар ҳам буни тан олишлари керак...»

Бу гапларни ҳозир ҳаммага эслатиб қўймоқ керак. АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳозирги раҳбарлари ўша пайтда айтилган ўз бурчларини мутлақо унутиб юбордилар. Ҳозир улар бизга қарши тиш қайраб, ҳар қандай риёкорона сафсатабозликдан тап тортмаяптилар. Аммо ҳақиқат шундан иборатки, Совет Иттифоқининг табиати, совет халқининг характери, партиямизнинг моҳияти ўша пайтдан бери ўзгаргани йўқ. Ўша пайтдагидек ҳозир ҳам Совет Иттифоқи агрессия кучларига қарши курашмоқда, цивилизация ва озодлик ишини ҳимоя қилмоқда. Бинобарин, жаҳон халқлари АҚШ ва Англиянинг ҳукмдор жанобларидан — хўш, нега сизлар чалғитяпсизлар, қайси асосга таяниб Совет Иттифоқига қарши кампанияни авж олдиряпсизлар ва ишни халқаро кескинликни кучайтириш томонига, уруш хавфини кучайтириш томонига буряпсизлар? — деб сўрашга ҳақлидирлар. Халқларнинг манфаатлари мана шу қабилдаги сиёсатни тўхтатишни, кескинликни юмшатиш йўлини тасдиқлашни, қуролланиш пойгасига барҳам беришни талаб қилади.

70-йиллар дунёнинг кўпгина районларида империализмга қарши ҳаракат янада анча олға силжиганидан далолат берди. Вьетнам халқининг ғалабаси ва Вьетнамнинг бирлашуви, Лаосдаги халқ ҳокимиятининг мустаҳкамланиши, Кампучиядаги Пол Пот режимининг тугатилиши мана шунинг далилидир. Эфиопия, Ангола, Мозамбик империализм кишанларидан халос бўлишга эришдилар. Уларнинг халқлари катта-катта социал ўзгартиришларни ўтказдилар ва Африкада социалистик йўлни танлаш таянчлари бўлиб турибдилар. Шу жиҳатдан Жанубий Яман муҳим роль ўйнамоқда. Никарагуадаги диктаторлик режими ағдариб ташланди. Афғонистондаги революция, Эрондаги шоҳ истибдодининг тугатилиши, Зимбабве ватанпарварларининг ғалабаси империализмга зарба урди.

«Москванинг қўли» деган машъум миш-мишлар эмас, балки ижтимоий ривожланишнинг муқаррар объектив қонуниятлари жаҳон революцион жараёнини олға силжитмоқда.

Кейинги йилларда коммунистик ҳаракат анча ўсди, ўз таъсирини кенгайтирди. Социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларни идора қилувчи партиялар бу ҳаракатнинг энг қудратли ва кўп сонли отрядидир. Улар ўз давлатларининг тақдири учун бутун масъулиятни зиммаларига олдилар, етакчи ва ташкилотчи куч бўлиб ҳаракат қилиб, ўз мамлакатларини комил ишонч билан олға бошламоқдалар.

Дунёнинг носоциалистик зонасидаги Коммунистик партияларнинг таъсири ўсди. 10 йил мобайнида уларнинг аъзолари салкам бир миллион икки юз эллик минг киши кўпайиб, эндиликда тўрт ярим миллионга етай деб қолди. Ҳозир дунёда 90 та коммунистик ва ишчи партия ҳаракат қилмоқда ва курашмоқда. Ғарбий Европада шу давр ичида 800 мингдан ортиқ янги курашчи Компартиялар сафига кирди. Шимолий ва Жанубий Америкада, Африкада ҳам коммунистларнинг сони икки баравардан зиёд кўпайди. Осиёнинг бир қанча мамлакатларида Коммунистик партиялар ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олмоқдалар. Носоциалистик мамлакатларнинг коммунистлари ҳозир парламентларга ва муниципалитетларга ўтказилаётган сайловда қарийб 40 миллион овоз олмоқдалар.

Ҳамиша бўлганидек, Коммунистик партияларнинг таъсири уларнинг сон жиҳатдан ўсишига нисбатан анча илдам кучайиб бормоқда. Эндиликда бирон-бир жиддий халқаро проблема, ҳозирги замоннинг бирон-бир туб масаласи коммунистик ҳаракатсиз ҳал этилаётгани йўқ ва ҳал этилиши ҳам мумкин эмас.

Кейинги вақтларда империалист доиралар коммунизмга қарши қутуриб кампания бошладилар. Туҳмат, дўқ, коммунистларнинг раҳбарларига бўҳтон қилишга, Компартияларнинг сиёсатини обрўсизлантиришга, уларнинг ташкилотларига террорчиларни гиж-гижлашга уриниш каби воситалар ишга солинмоқда. Аммо, ўтмишда бўлганидек ҳозир ҳам бу кампания мағлубиятга маҳкум этилган.

Аслида коммунистлар қайси мақсадлар йўлида курашмоқдалар?

Коммунистлар — тинчлик учун, империализмнинг агрессив сиёсатига қарши энг изчил ва қатъиятли курашчилардир. Улар уруш хавфи қаердан чиқаётганини, хонавайрон қилувчи ва хатарли қуролланиш пойгаси учун ким айбдор эканини, қуролли можаролар чиқаришга кимлар иғвогарлик қилаётгани ва можароларни кимлар қизитаётганини халқларга доимо кўрсатиб келмоқдалар. Шу тариқа коммунистлар халқ оммасини курашга отлантириб, бутун инсониятни ракета-ядро ҳалокатидан халос қилиш учун курашмоқдалар.

Айни коммунистлар инсониятни иккинчи жаҳон уруши хавфидан барвақт огоҳлантирган ва халқларни уруш чиқарувчи фашистларга қарши ягона фронт бўлиб ҳаракат қилишга чақирган эдилар. Мана шу огоҳлантириш ва шу даъватни назарга илмаган кимсалар антисоветизм дардига мубтало бўлган эдилар.

Бизнинг кунларимизда коммунистлар ҳарбий хавф-хатарни кучайтираётган империализмнинг режалари ва хатти-ҳаракатларига қарши ўз овозларини яна баланд кўтармоқдалар. Бир ҳафтадан кейин Европа Компартияларининг вакиллари халқларни ҳарбий хавф-хатарга қарши курашга биргаликда даъват этиш учун Парижда тўпланадилар. Коммунистларнинг овози тинчликни ҳақиқатан хоҳловчи барча кишиларга етиб бориши керак.

Коммунистлар — монополистик капитал ҳукмронлигига қарши, кишиларни эксплуатациянинг ҳар қандай формасидан озод қилиш учун, меҳнаткашларга реал ҳуқуқлар ва эркинликлар берадиган чинакам демократия учун, социализм ғалабаси учун муросасиз ва изчил курашчилардир.

Коммунистлар мустамлакачиликнинг батамом барҳам топиши учун, барча халқларнинг миллий озодлиги ва тенг ҳуқуқлилиги учун курашмоқдалар. Изчил ватанпарварлар ва интернационалистлар бўлган коммунистлар барча мамлакатлар меҳнаткашларининг қардошларча иттифоқи учун, миллий нифоққа ва ирқий зулмга қарши курашмоқдалар. Империалистик системанинг кучайиб бораётган кризиси вазиятида жаҳон революцион кучлари турли формаларда ўсиб, намоён бўлмоқда.

(Давоми учинчи бетда).

ЛЕНИНИЗМНИНГ БУЮК ҲАЁТИЙ КУЧИ

(Бошн иккинчи бетда).

В. И. Ленин олдиндан башорат қилганидек, империализм капиталнинг тобора монополистик марказлашувига, монополнялар билан давлатнинг тобора бир-бирига чирмашиб кетишига, уларнинг улкан бир эксплуататорлик механизмида бирлашувига олиб келади.

В. И. Ленин мана шу янги жиҳатлар капитализм қарама-қаршиликларини бартараф этиш у ёқда турсин, балки аксинча, уларни чуқурлаштиради ва кескинлаштиради, деб бир неча марта таъкидлаган эди. Капитализмнинг «сўнгги нафаси» — бир томондан, вужудга келган миллий давлат-монополистик системаси бўлса, иккинчи томондан, «кўп миллатли» монополистик «империялар», ўз мамлакатининг ишчиларигина эмас, балки бошқа давлатлар меҳнаткашларини ҳам эксплуатация қилувчи улкан чирмовиққа айланиб кетишидан иборат.

Бу ҳол нимага олиб келди? Буржуа ва реформистик маддоҳлар ваъда қилган «янги», кризисга учрамайдиган капитализм, умумий фаровонлик жамияти вужудга келдими? Бугунлай акси бўлди. Буржуа тузумининг эксплуататорлик негизи, йирик капиталнинг зулми ва бебошлиги, монополистик ваҳшийлиги ва коррупция ҳар қачонгидан ҳам кучайди.

70 йилларда капитализм дучор бўлган қудратли танглик жараёнлари тўлқини уни ич-ичидан ларзага солмоқда. Давлат— монополистик капитализмининг, унинг иқтисодий сиёсати, империализмни фан-техника революциясига ва икки системанинг курашига мослаштириш бутун стратегиясининг чуқур кризиси яққол кўриниб турибди. Бу кризиснинг кўзга кўриниб турган яққол жиҳатларидан бири қимматчиликнинг мисли кўрилмаган даражада ошиб кетиши, пулнинг қадрсизланиши ва ишсизликнинг беҳад ошиб кетиши, террорнинг авж олишида намоён бўлмоқда.

Капиталистик система инсониятнинг туб проблемаларини ҳал қилишга тобора ошкора тўғаноқ бўлмоқда. Фан-техника революцияси авж олаборган сайин ҳозирги замон ишлаб чиқарувчи кучларининг моддий имкониятлари билан меҳнаткашларни эксплуатация қилиш кучайиши ўртасидаги, кўпгина халқлар учун очлик ва қашшоқликнинг ҳақиқий аҳволи ўртасидаги қарама-қаршилик борган сари аянчли тус олмоқда. Ҳозирги замон фани ва техникасидан империалистик тарзда фойдаланиш мана шунга олиб келади. Шу боисдан ҳам империализм маконидаги синфий кураш ва халқларнинг озодлик ҳаракатлари тобора кучаймоқда.

Империализм инқирози — қуролланиш пойгаси ғоят авж олиб кетганлигида, ҳарбий саноат комплексининг иқтимоий бойликларни мисли кўрилмаган даражада ошиб кетиши, пулнинг қадрсизланиши ва ишсизликнинг беҳад ошиб кетиши, террорнинг авж олишида намоён бўлмоқда.

Капиталистик система инсониятнинг туб проблемаларини ҳал қилишга тобора ошкора тўғаноқ бўлмоқда. Фан-техника революцияси авж олаборган сайин ҳозирги замон ишлаб чиқарувчи кучларининг моддий имкониятлари билан меҳнаткашларни эксплуатация қилиш кучайиши ўртасидаги, кўпгина халқлар учун очлик ва қашшоқликнинг ҳақиқий аҳволи ўртасидаги қарама-қаршилик борган сари аянчли тус олмоқда. Ҳозирги замон фани ва техникасидан империалистик тарзда фойдаланиш мана шунга олиб келади. Шу боисдан ҳам империализм маконидаги синфий кураш ва халқларнинг озодлик ҳаракатлари тобора кучаймоқда.

Империализм инқирози — қуролланиш пойгаси ғоят авж олиб кетганлигида, ҳарбий саноат комплексининг иқтимоий бойликларни мисли кўрилмаган даражада ошиб кетиши, пулнинг қадрсизланиши ва ишсизликнинг беҳад ошиб кетиши, террорнинг авж олишида намоён бўлмоқда. Ленин милитаризациянинг хавфли оқибатларига такрор ва такрор этиб, бор берган эди. «Империалистик рақобат натижасида кучли ҳарбий аппаратга эга бўлган давлатлар, — деб ёзган эди у,—...баҳайбат уруш аждаҳоларига айланди...» Милитаризм ҳозирги вақтда АҚШда айниқса, ёвуз роль ўйнамоқда. Астрономик суммага етиб, йилига 160 миллиард доллардан ошиб кетган ҳарбий бюджетни яқин беш йил ичида 253 миллиард долларга кўпайтиришни режалаштирмоқдалар. НАТОнинг бошқа мамлакатларида ҳам ҳарбий харажатлар жуда катта миқёсларда ўсмоқда.

Ҳозирги вақтда империализмнинг агрессив табиати:

— ҳарбий саноат комплекси, милитаризм, ашаддий реакция ва антикоммунизм кучларининг ташқи сиёсатга таъсири ўсишида:

— НАТОнинг ҳарбий қудрати беҳад кучайиб бораётганлигида ҳамда СССРга ва социалистик ҳамдўстликка қарши, барча эрксевар халқларга қарши қаратилган янги ҳарбий-сиёсий иттифоқлар тузишга интилишда;

озодлик курашининг боришига қўпол аралашувда ҳам. да носоциалистик дунёдаги прогрессив ҳаракатларни бўғиб ташлашга уринишларда:

— социализм мамлакатларига нисбатан ҳарбий жиҳатдан устун бўлиб олишга интилишда, қуроллариш пойгасини тобора авж олдиришда, қуролсизланиш юзасидан олиб борилаётган музокараларга тўсқинлик қилиш ва бу музокараларни барбод қилишда. Ғарбий Европани АҚШнинг сифат жиҳатидан янги ракета-ядро қуроли

учун старт майдонига айлантиришга интилишларда:

— Америка империализмининг экспанцияси ва гегемонизмида, унинг жаҳонга ҳукмронлик қилишга бўлган интилишида ва шу мақсадда АҚШдан ташқарида тобора янгидан-янги ҳарбий объектлар ва базалар қураётганлигида, ҳозир бу объект ва базалар икки ярим мингтадан ошиб кетганлигида;

— жаҳон жандарми вазифаларини бажариш ҳамда ўзгалар территориясига бостириб кириш учун шай турган қуролли кучлар тайёрлашда;

— халқаро кескинликни юмшатишни барбод қилиш ва «Хельсинки руҳи»ни чиппакка чиқариш йўлини тутишда:

— айрим идеологик диверсиялар қилишдан совет халқига, социализм ғояларига, миллий озодлик ҳаракатига душманликни уйғотиш мақсадида кенг фронт бўйлаб «психологик уруш»ни ташкил этишга ўтишда намоён бўлмоқда.

Мана шу белгилар Америка империализми қиёфасини тўлиқ намоён бўлмоқда. Халқлар оммаси империализмнинг НАТО агрессив блокининг чинакам табиатини билиб олишлари жуда-жуда муҳимдир. Бу нарса уни фош этиш учун ҳамда унга қарши самарали кураш олиб бориш учун зарурдир.

Социализм позицияларининг мустаҳкамланганлиги, халқларнинг озодлик кураши кучайганлиги, капиталистик система умумий кризисининг авж олганлиги — империализм ташқи сиёсатидаги ҳозирги кескин ва хавфли бурилишнинг, унинг кескинликни юмшатишга қарши юриш бошлаганлигининг асосий сабаблари ана шунда, Ғарбда Советларга қарши васваса авж олдириб юборилганлигининг ҳақиқий манбаи мана шунда бўлиб, Ленин унга бундай васвасанинг шунга ўхшаш ҳолатларини «буржуазиянинг қутуриб қилган ҳамласи» деб жуда аниқ баҳо берган эди.

Буларнинг ҳаммаси Афғонистондаги воқеалардан анча олдин бошланган эди. Афғонистондаги воқеалар эса кескинликни юмшатишга қарши илгари бошланган ҳужум, «совуқ уруш»ни яна бошлаб юбориш учун баҳона бўлди, холос. Совет Иттифоқининг позицияси Л. И. Брежневнинг 1979 йил 6 октябрь ва 1980 йил 13 январдаги нутқларида аниқ ва равшан ифодалаб берилган.

Ленин туғилган кунни ни. шонлар эканмиз, шуни айтиш керакки, у 1921 йилдаёқ «...Россия ҳар икки халқнинг бахт-саодати йўлида Олий афғон давлатининг ҳамиша биринчи дўсти бўлиб қолади», деб уқтирган эди. Совет кишилари мағрур ва эрксевар афғон халқи ўзининг миллий манфаатларини ташқи агрессия ва ички реакция ҳамласидан ҳимоя қилиб, ўз қўшинлари билан, бошқа барча халқлар билан дўстлик ва тотувлик вазиятида яшаб, ўзи танлаб олган мустақиллик ва осойишталик йўлидан боражакларига амин.дирлар.

Америка им периализмининг стратегияси Афғонистон мисолида равшан кўриниб турибди. Унинг бу стратегияси халқлар ўз тақдирини ўз қўлига олган, чет эл зўравонлиги ва ҳукмронлиги барҳам топган жойларда аралашувни, ҳатто қуролли аралашувни кўзда тутади. Интервенция контрреволюцияни зўрлаб қабул қилдириш «ҳуқуқи» эндиликда «Америкаиинг ҳаётий манфаатлари» билан ошкора оқланмоқда, оддий қилиб айтганда эса империализмга тегишли бўлмаган нарсани мустамлакачиларга хос равишда қўлга киритишга бўлган интилиш билан оқланмоқда. Халқлар мана шундай таҳовузларга зарба берганларида эса империалистлар «чуқур конфронтация» билан дўқ қилиб, атом қуроли билан дағдага қила бошлайдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев яқинда қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Империализмнинг бошқа мамлакатлар ва халқлар устидан ҳукмронлик қилиш имкониятлари нақадар кўпроқ қисқариб борса, унинг энг агрессив ва калтафаҳм вакиллари бунга шунчалик тиш-тирноғи билан қаршилик қиладилар. Тинчликсевар давлатларнинг қудрати ва оқилона сиёсати ҳамда халқларнинг жаҳон ҳукмронлигига даъвогарларнинг хатарли режаларини барбод қилишга берган азму-қароригина мана шу агрессивликни жиловлаши мумкин».

Инсоният учун империализм хавф-хатар солаётганлигини ва аввало, устунлик қилишни, яъни жаҳонга ҳукмронлик қилишни яна даъво қилиб чиқаётган АҚШ империализми хавф-хатар солаётганлигини эндиликда ҳеч ким инкор қилиши мумкин эмас.

В. И. Ленин биринчи жаҳон урушн охирларида империалистлар бошлаб юборган қонли жиноятга нисбатан ўзининг қаҳр-ғазабини баён қилиб, бундай «урушлар» кишилик жамияти яшаш шароитининг ўзига ҳам путур етказиши мумкинлигидан огоҳ этган эди. Ўшанда у бутун жаҳонга мурожаат қилиб, фақат пролетариатгина жаҳон маданиятини, инсониятни бундай ақлсизликлардан халос қилиши мумкин деган эди.

Бизнинг давримизда ишчилар синфининг мана шу умумбашарият миссиясини амалга оширш имкониятлари беқиёс ошди. Бу имкониятлар аввало шунинг учун ошдики, ленинизм буюк ишларда мужассамлашиб, социализм мамлакатларининг қудратли моддий ва ғоявий кучи билан, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг уюшган кучи билан намоён бўлмоқда. Шунингдек, ленинизмнинг илҳомбахш ва одилона ғоялари барча мамлакатлардаги юз миллионлаб кишиларнинг онгига сингиб кетди.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, ўртоқлар, ленинизмга таяниб, унга амал қилаётган социал ва ижтимоий кучларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш инсониятни, унинг истиқболини қутқариб қолишнинг омилидир.

В. И. Ленин васиятини бажара бориб, социализмнинг тинчликни сақлаб қолиш йўлидаги тарихий миссиясини пировардигача адо этиш бу:

— Совет давлатининг иқтисодий ва мудофаа қудратини, буюк кўл миллатли совет халқининг ғоявий ва сиёсий бирлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш;

— социалистик давлатларнинг қардошларча иттифоқини, уларнинг ҳамкорлиги ва ҳар томонлама ўзаро ёрдамини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш;

— замонамизнинг энг уюшган ва ғоявий кучи бўлган халқаро коммунистик ҳаракатни марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми негизида жипслаштириш;

— ҳозирги замон ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатига эга бўлган ғоят катта имкониятлардан тинчлик ва тараққиёт манфаатлари учун энг кўп даражада фойдаланишга эришиш;

— жаҳон урушига йўл қўймасликни ҳақиқатан ҳам хоҳлаган, давримизнинг реал воқелиги билан ҳисоблашишга қодир бўлган, ҳар бир халқнинг қонуний манфаатларини, мустақиллиги ва озодлигини ҳурмат қилишга тайёр турган барча кишилар билан ҳамкорлик қилиш демакдир.

Бизнинг партиямиз, Совет Иттифоқи ер юзида тинчлик ўрнатиш учун, барча халқларга мустаҳкам ва адолатли тинчлик қарор топтириш учун тарихий жанг олиб бормоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Ленин васиятини бажара бориб ўзларининг бутун куч-ғайратлари, тажрибаи ва қобилиятларини мана шу буюк ишга бахш этмоқдалар.

Совет Иттифоқи, совет халқи инсониятни янги уруш ҳалокатидан сақлаб қолиш учун жуда кўп куч ва ресурсларни мудофаани мустаҳкамлашга сарфлашга мажбур бўлмоқдалар. Бошқарти 35 йил мобайнида Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстлик халқлари тинчлик неъматларидан баҳраманд бўлаётган эканлар, бунга аввало, Совет Иттифоқи ўзининг иттифоқчилари билан биргаликда мамлакатимизга ва иттифоқчиларимизга ҳамла қилмоқчи бўлган ҳар қандай душманга кескин ва қудратли зарба бериш учун барча зарур нарсаларга эга бўлганлиги туфайли эришиляпти. Биз нимани ҳимоя қилишимизни, нима билан ҳимоя қилишимизни, кимлар ҳимоя қилажагимизни яхши биламиз!

Варшава Шартномаси ташкилоти социалистик ғалабаларнинг мустаҳкам қалқони бўлиб турибди. Яқин орада Варшава Шартномаси ташкилотининг 25 йиллиги нишонланади.

Иқтисодий куч-қудрат, сиёсий обрў-эътибор, КПСС XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган Тинчлик программасининг қатъиян ва принципиаллик билан амалга оширилаётганлиги, социалистик ҳамдўстликнинг бирлигалиқда келишиб олинган актив тинчликсевар сиёсати кескинликни юмшатишнинг мустаҳкам потенциалини вужудга келтирдики, унга раҳна солиш асло мумкин эмас. Бунинг энг асосий элементларидан бири —халқлар ва ҳатто қатор мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари онгига Совет Иттифоқининг сиёсати тинчлик сиёсати бўлиб, уруш бизга керак эмас ва биз унга интилмаймиз ҳам деган тушунчанинг сингиб кетганлигидир. Натижада кейинги ўн йилликда иккинчи жаҳон урушидан мерос бўлиб қолган, баъзилари эса йигирма йилдан кўпроқ давом этган «совуқ уруш»дан мерос бўлиб қолган кўпгина туб муаммоларни ҳал этиш имконияти туғилди. Хельсинкида бўлиб ўтган кенгаш тинч-тотув яшаш принципини умум эътироф этган халқаро норма сифатида мустаҳкамлаб берди.

Бу эса империализм ва унинг гумашталарининг агрессив кирдикорлари пайини чеклаш ва қирқиш мумкин деган маънони билдиради.

Бизнинг партиямиз, Совет Иттифоқи ленинча ташқи сиёсат йўлини империализм стратегиясига қарама-қарши қилиб қўяди. Бу йўл ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу йил 22 февралда сўзлаган ажойиб нутқида яна бир бор баён этиб берилди. Бу нутқда ҳозирги юз берган вазиятда тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашнинг равшан программаси баён этилган, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳамда қуролланиш пойгасини жиловлашнинг аниқ конструктив таклифларини кўзда тутади.

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз мамлакат ичкарисидаги бунёдкорлик иши билан давлатимизнинг ташқи сиёсати ўртасида, халқаро миқёсдаги бутун тинчлик ва социал тараққиёт ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд деган хулосадан келиб чиқади. Биз 1921 йилда Ленин айтган машҳур сўзларни ҳамиша ёдда тутамиз: «Ҳозир биз халқаро революцияга асосан ўз хўжалик сиёсатимиз билан таъсир кўрсатмоқдамиз... Бутун дунё миқёсида кураш шу соҳага кўчирилди. Агар биз бу вазифани ҳал қилсак, халқаро миқёсда албатта ва узил-кесил ғалаба қозонган бўламиз».

Бу фикрнинг теранлиги ва мазмуни ғоят каттадир. Бизнинг хўжалик ишимиз умумсиёсий жиҳатдан ҳам, ҳарбий жиҳатдан ҳам, идеологик жиҳатдан ҳам улкан халқаро аҳамиятга эга бўлиб келди ва эга бўлиб қолаверади. Давлатлараро муносабатларимиз ҳам, чет эл жамоатчилик кучлари билан ҳилма-хил алоқаларимиз ҳам шу ишнинг натижаларига боғлиқдир.

Шу боисдан ҳам совет кишилари коллективи, ҳар бир совет киши.си буюк коммунистик қурилишнинг қайси соҳасида бўлмасин, у ўзининг меҳнати билан ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш ишига, жаҳон социал тараққиёти ишига ўз ҳиссасини қўшишга даъват этилган ва шундай қилиши ҳам мумкин.

Ўртоқлар! Империалистик реакция Совет Иттифоқига қарши қандай антисовет, антикоммунистик кампанияни авж олдирмасин, ленинизм, партиямиз сиёсати негизида ётган улуғвор социализмнинг буюк муваффақиятларини, порлоқ олижаноб мақсад ва принципларини хиралаштира олмайди.

В. И. Ленин издошлари ер юзида барча халқларнинг манфаатларига мос келувчи янги цивилизацияни яратмоқдалар. Биз ер юзидаги барча меҳнат кишиларига астойдил тинчлик ва бахт-саодат тилаймиз, бошқа халқлар учун кўп ишлар қилаверамиз.

Ленинниг бутун ҳаёти ва фаолияти ишчилар синфига, меҳнаткаш халқ ишига садоқатнинг, эксплуатация қилинувчи ва эзилган халқларга хайрихоҳликнинг, эзувчиларга муросасизликнинг, коммунистик идеаллар учун курашда ҳалоллик, принципиаллик, қатъиятликнинг намунасидир.

Содиқ ленинчи бўлиш — ленинча таълимот принципларини изчил ҳимоя қилиш, уни ижодий ривожлантириш, ҳаёт билан, омма билан маҳкам алоқада бўлиш, оммanинг тажрибасидан ўрганиш ва Ленин ғояларини амалда татбиқ этиш демакдир.

Ленинизм барча халқларга, бутун инсониятга зарур. Шунга ишончимиз комилки, замон ўтавергани сари ленинизм билан инсоният жамиятя туб манфаатларининг яхлитлиги тушунчаси бутун олам узра тобора кўпроқ ёйилаверади.

Яшасин революцион жараён, бунёдкорлик ва тинчлик байроғи — ленинизм!

Коммунизм бунёдкори — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

Яшасин ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

(Ўртоқ Б. Н. Пономаревнинг доклади давомида қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди).

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1980 ЙИЛГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошн биринчи бетда).

3. СССР Фанлар академияси химия-физика институти секторларининг мудирлари академик Николай Сергеевич Ениколопова, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Виталий Иосифович Гольданскийга, М. В. Ломоносов номли Москва Давлат университети кафедрасининг мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Виктор Александрович Кабановга, Л. Я. Карпов номли физика-химия илмий тадқиқот институти лабораториясининг мудири химия фанлари доктори Абрам Давидович Абкинга — 1959—1978 йилларда эълон қилинган «Қаттиқ фазада аномал тез полимерланиш ҳодисасини топиш ва тадқиқ этиш» деган ишлари туркуми учун.

4. СССР Фанлар академияси молекуляр биология институти лабораториясининг мудири академик Александр Евсеевич Браунштейнга — 1949—1978 йилларда эълон қилинган «Аминокислоталар метаболизми ферментларининг биологик функциялари, структураси ва таъсир механизми» деган ишлари туркуми учун.

5. СССР Фанлар академияси биология-физика институтининг директори СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Генрих Романович Иваницкийга, шу институтнинг ходимлари, лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори Валентин Израилевич Кринскийга, катта илмий ходим физика-математика фанлари кандидати Альберт Николаевич Занкинга, химиявий бирикмаларни биологик синаш илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири физика-математика фанлари доктори Анатолий Маркович Жаботинскийга, аналитик-химик Борис Павлович Белоусовга —янги класс автотўлқин жараёнларини топганликлари ва уйғотилувчи тақсимланган системалар барқарорлигининг бузилишида уларнинг ролини тадқиқ этганликлари учун.

6. СССР Фанлар академияси СССР тарихи институтининг собиқ катта илмий ходими академик Николай Михайлович Дружининга — 1978 йилда эълон қилинган «Рус қишлоғи ўзгаришда. 1861—1880 йиллар» деган монографияси учун.

7. Медицина фанлари доктори Александр Ефимович Рабухинга —1948—1976 йилларда эълон қилинган «Сил касаллиги эпидемиологияси, уни диагноз қилиш, даволаш ва унга қарши курашни ташкил этишга доир фундаментал тадқиқотлар» ишлари туркуми учун.

8. СССРнинг 50 йиллиги номли Череповецк металлургия заводининг ходимлари, бош механик, техника фанлари кандидати Леонид Ивановнч Даниловга, директор Михаил Григорьевич Ананьевскийга, цех бошлиғи Альберт Николаевич Иводитовга, цех бошлиғининг ёрдамчиси Генах Иосифович Пинскийга, Метмаш Бутунииттифоқ илмий текшириш институти илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари техника фанлари доктори Владимир Иванович Зюзинга, шу бирлашма лабораториясининг мудири техника фанлари кандидати Илья Александрович Тодерга —ғоят аниқ профилларни прокат қилиб чиқазадиган принципиал янги системадаги станларни яратганликлари учун.

9. Иш раҳбари, нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрининг ўринбосари Юрий Петрович Баталинга, нефть ва газ саноатининг блок комплект ҳолда ишлаладиган объектларини қуриш Сибирь экспериментал қурилиш-монтаж бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Валерий Александрович Аронова, шу бирлашма иккинчи механизациялашган кўчма монтаж колоннаси комплекс бригадасининг бошлиғи Анатолий Феоктистович Шевкопляса, «Тюменгазмонтаж» комсомол ёшлар трестининг собиқ бошқарувчиси Игорь Александрович Шапаловга, шу трест биринчи комсомол ёшлар монтаж бошқармасининг собиқ бошлиғи Владимир Григорьевич Жевтунга, Сибирь газ-нефть конлари қурилиши илмий текшириш ва лойиҳа институти директорининг ўринбосари Михаил Савельевич Ройтерга —Тюмень областидаги нефть ва газ конларини жадал ўзлаштиришга имкон берувчи нефть ва газ саноати объектларини комплект блок методи билан қуришни ишлаб чиқанликлари ва жорий этганликлари учун.

10. «Прокатдеталь» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори вазифасини ижро этувчи Абрам Исаакович Биргерга, шу бирлашма биринчи экспериментал қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Сергей Яковлевич Казаковга, Москва шаҳри бош архитектура планлаштириш бошқармаси намунали истиқболли уй-жой биноларн районини лойиҳалаш бошқармасининг бошлиғи Лев Карлович Дюбекка, Москва типовой ва экспериментал лойиҳалаш илмий-текшириш ва лойиҳа институтининг директори Андрей Борисович Самсоновга, Москва давлат йирик панелли уйсозлик бирлашмаси 3-уйсозлик комбинати комплекс бригадасининг бошлиғи Николай Ильич Жигаевга, Москва шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги бинокорлик материаллари ва қурилиш деталлари саноати бош бошқармаси 2-темир-бетон конструкциялар комбинати комплекс бригадасининг бошлиғи Виктор Николаевич Обьедковга — Москва шаҳрида унификация этилган индустриал маҳсулотлар ягона каталог системаси асосида комплекс равишда қуриш принципиал янги методини яратганликлари ва жорий этганликлари учун.

СССР Министрлар Советининг Раиси
А. КОСИГИН

КПСС Марказий Комитети Секретари
Л. БРЕЖНЕВ

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА 1980 ЙИЛГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошн биринчи бетда).

2. Ёзувчи Нодар Владимирович Думбадзега — «Мангулик қонуни» романи учун.

3. Латвия ССР халқ рассоми Индулис Аугустович Заринга — «1945 йилнинг баҳори», «Урушга кета туриб» («Совет ҳокимияти учун»), «Ўрим кўшиғи» картиналари, СССР халқ рассоми Теодор Залькалн портрети учун.

4. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони СССР халқ артисти Игорь Владимирович Ильинскийга — театр ва телевидениеда сўнгги йилларда бажарган ишлари учун.

5. Шоир Егорь Александрович Исаевга — «Ирокларни ҳотирлаб», «Хотира ҳукми» поэтик дилогияси учун.

6. СССР халқ артисти Борис Александрович Покровскийга — ССР Иттифоқи давлат академик Большой театрида ҳамда камера музика театрида совет композиторлари операларини саҳналаштирганлиги учун.

7. СССР халқ артисти Аркадий Исаакович Райкинга — Ленинград давлат миниатюралар театрида сўнгги йилларда қўйилган спектаклларнинг режиссураси ва ролларни ижро этганлик учун.

8. СССР халқ рассоми Николай Михайлович Ромадинга — «Москва қиши», «Кудино кўли», «Берендеев ўрмони», «Шимолий Кавказда баҳор», «Есенин руси», «Ўрмондаги қишлоқ», «Момоқалдироқ. Емғирдан» пейзажлар туркуми учун.

9. Режиссёр, СССР халқ артисти Станислав Иосифович Ростоцкийга, оператор, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Вячеслав Михайлович Шумскийга, роль ижрочиси, СССР халқ артисти Вячеслав Васильевич Тихоновга — «Қорақулоқ— оқ бим» бадиий фильми учун (болаларга аталган адабиёт ва санъат асарларига бериладиган мукофот).

10. Қирғизистон ССР халқ рассоми Турғунбой Содиқовга — Фрунзе шаҳридаги «Революция курашчилари»га ҳайкали учун.

11. СССР халқ артисти Анатолий Борисович Соловьяненкога — сўнгги йилларда опера партиялари ва концерт программалари учун.

12. СССР халқ рассоми Дементий Алексеевич Шмариновга — А. С. Пушкинниг «Капитан қизи», «Белкин ҳикоялари», «Дубровский» «Пиковая дама», (Детгиз, 1976—1978 йиллар), Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» («Художественная литература», 1978 йил) китобларига ишлаган расмлари ва безаклари учун.

СССР Министрлар Совети Раиси
А. КОСИГИН.

КПСС Марказий Комитети Секретари
Л. БРЕЖНЕВ.

ЛЕНИНГА ТЕНГЛАШМОҚ— ҲАЁТ МЕЗОНИ

(Бошн биринчи бетда).

Коммунизм сари йўлда ўтаётган ҳар бир кун, совет халқининг кўзга яққол ташланаётган ҳар бир қадами улуғ Ленин ғоялари тантанасининг ёркин далилидир. Совет кишилари ўз ишлари, ўз режаларида ҳамиша Ильичдан ибрат олиб келдилар ва шундай қилмоқдалар. Улар Ленин васиятларига ҳамиша содиқдирлар.

В. И. Ленининг социализм ва коммунизм қурилиши йўллари тўғрисида яратган фани ҳозирги замоннинг қудратли кучи бўлиб қолди.

Ленин ғоялари у ташкил этган ва бугунги кунда Советлар мамлакатининг 17 миллиондан кўпроқ коммунистини бирлаштириб турган партиянинг ишларида яшамоқда. Совет кишилари КПСС раҳбарлигида тарихан қисқа муддат ичида ғоят буюк ғалабаларга эришдилар, бизнинг Ватанимиз қудратли социалистик давлат бўлиб қолди.

Халқнинг бунёдкорлик кучлари тобора тўлиқ намоён бўлаётган ривожланган социалистик жамият қурилганлиги, социалистик давлат ташкил этилиб, мустаҳкамланганлиги тинчлик, демократия ва социал тараққиёт йўлида курашаётган барча кишилар учун ёркин намуна бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз халқларининг мустаҳкам дўстлиги ленинизмнинг ғоят муҳим ғалабасидир. Қардош республикаларнинг ягона иттифоқига бирлашган совет кишилари қалин ҳам дўстликда порлоқ келажак — коммунизм сари дадил олға бормоқдалар. Совет Ўзбекистони халқ хўжалиги ва маданиятининг барқ уриб яшнаганлиги бунинг ёркин тимсолидир. Ўзбекистон меҳнаткашлари марксизм-ленинизм байроғи остида, улуғ рус халқи ва бошқа қардош халқларнинг ёрдамида қаҳрамонона кураш ва ажойиб ғалабаларнинг шонли йўлини босиб ўтдилар.

Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари партия XXV съезди, ўртоқ Леонид Ильич Брежнев ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга бутун кучларини сарфламоқдалар, Ленин йўлидан дадил олға бормоқдалар, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Н. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

21 апрель куни Тошкентда «В. И. Ленин ва халқ соғлиғини сақлаш» мавзуида назарий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда олимлар, республикадаги медицина ўқув юртларининг студентлари, соғлиқни сақлаш системалари муассасаларининг ходимлари иштирок этдилар.

Ильич меҳнат аҳлининг соғлиғини давлатнинг энг қимматли бойлиги деб ҳисоблар эди. Конференция қатнашчилари совет соғлиқни сақлашнинг ташкилотчиси сифатида В. И. Ленининг роли, унинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисида, мамлакатда олий медицина таълимини, шу жумладан Ўрта Осиёда шундай таълимни ривожлантириш ҳақида ғамхўрлиги тўғрисидаги докладларни тингладилар. Ўзбекистонда халқ соғлиғини сақлашнинг ҳозирги даражаси — Ленин васиятлари изчиллик билан амалга оширилаётганини кўрсатувчи яққол далилдир.

(ЎзТАГ).

БОҒ ВА ПОЛИЗЛАРДАН МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИНАДИ

АНДИЖОН, 21 апрель. (ЎзТАГ). Андижон областининг хўжаликлари сабзавот, мева, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун катта имкониятларга эгадир. Область сабзавоткорлари, боғбонлари, соҳибкорлари ва полизчиларининг С. М. Киров номли аграр-саноат комбинатида бугун бўлиб ўтган кенгашида гап шу ҳақда борди. Область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов ўтган йил якунлари ва беш йиллик якунловчи йили вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Кенгашда илғор тажрибани — масалан, Охунбобоев номли совхоздан Усмонали Қурбонов бригадасида тўпланган тажриба каби илғор тажрибани оммалаштиришга катта эътибор берилди. Бу бригада ўтган йили гектар бошига 327 центнердан сабзавот олган. Тармоқларни саноат асосига кўчиришни жадаллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Цитрусчиликни янада ривожлантириш йўллари кўриб чиқилди. Яқин йиллар ичида область ўн бешта лимонзорни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Кенгаш қатнашчилари беш йилликнинг якунловчи йили учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИ АСОСИДА

ИЛЬИЧГА ҲАЙКАЛЛАР

Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида — хўжаликда барпо этилаётган янги посёлка марказида 21 апрелда Владимир Ильич Ленин ҳайкали очилди. Ҳайкал очилишига бағишланган тантанали митингда Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов нутқ сўзлади. Ҳайкал пойига гулдасталар қўйилди.

* * *

Кеча Ленинград районининг маркази — Учкўприкда жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси В. И. Ленин ҳайкали очилди. Бу ерда бўлиб ўтган кўп кишилик митингда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров нутқ сўзлади. Митинг қатнашчилари ҳайкал пойига гуллар қўйишди.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМИ

Мамлакат саноатида 1980 йил биринчи квартал давлат планининг бажариш якунлари чиқарилди.

СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида айтиладики, саноат бирлашмалари ва корхоналарининг коллективлари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун оммавий социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш биринчи квартал планини ошириб бажардилар. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 процент ўсди. Меҳнат унумдорлиги 4 процент ошди; мана шу омил ҳисобига ишлаб чиқариш ўсишининг бешдан тўрт қисмидан кўпроғи ҳосил қилинди. Фойда кўпайди.

Маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қўйидагича бўлди: 354 миллиард киловатт-соат электр энергия; 148 миллион тонна нефть (газ конденсати қўшиб ҳисобланган); 109 миллиард кубометр газ; 186 миллион тонна кўмир, 4,6 миллион тонна пўлат қувурлар; 59,8 миллион тонна темир руда; 26,3 миллион тонна минерал ўғитлар, (шартли бирликларда); 124 минг тонна ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари (шартли бирликларда); 309 минг тонна химиявий тола ва иплар ишлаб чиқарилди.

15,6 миллион дона автопокришкалар; 477 миллион сўмлик металл қирқиш станоклари, шу жумладан 2,2 минг дона сонли программа асосида бошқариладиган станоклар; 1,3 миллиард сўмлик приборлар, автоматлаштириш воситалари ва уларнинг запас қисмлари; 1,1 миллиард сўмлик ҳисоблаш техникаси воситалари ва уларнинг запас қисмлари; 53,2 миллион сўмлик нефть аппаратлари; 186 миллион сўмлик химия асбоб-ускуналари ва уларнинг запас қисмлари; 562 минг дона автомобиллар; 140 минг дона тракторлар; 678 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари; 515 миллион сўмлик чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машиналари; 30,1 минг дона дон комбайнлари; 2,4 минг дона пахта териш машиналари; 10,6 минг дона экскаваторлар тайёрланди.

2,8 миллиард квадрат метр ҳамма турдаги газламалар; 5,9 миллиард сўмлик кийим-кечак; 195 миллион жуфт чарм пойафзал; 2,2 миллион тонна гўшт (давлат хом ашёси ресурсларидан); 964 миллион сўмлик балиқдан тайёрланган таомлар, шу жумладан балиқ консервалари: 193 минг тонна мол ёғи (давлат хом ашёси ресурсларидан); 6 миллион тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисоблаганда (давлат хом ашёси ресурсларидан); 739 минг тонна ўсимлик мойи (давлат хом ашёси ресурсларидан); 1 миллион тонна кондитер маҳсулотлари; 17,1 миллион тонна омихта; 16,4 миллион дона соатлар; 253 миллион сўмлик сортли идишлар (шиша ва биллур); 1,9 миллион дона телевизорлар, шу жумладан 0,5 миллион дона рангли тасвирни қабул қилувчи телевизорлар; 1,5 миллион дона холодильниклар; 969 минг дона кир ювиш машиналари; 1,5 миллион сўмлик мебель ишлаб чиқарилди.

Нефть ва газ конденсати, газ, кўмир қазиб олиш, пўлат қувурлар, соноли программа асосида бошқариладиган металл қирқиш станоклари, приборлар, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, нефть аппаратлари, химия асбоб-ускуналари, енгил автомобиллар ва юк автомобиллари, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, экскаваторлар, маданий-маиший моллар ва рўзғор буюмлари ва бошқа кўпгина турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш квартал планлари ошириб бажарилди.

Бир қанча тармоқларнинг айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, жамғармалар юзасидан белгиланган топшириқларни бажармади.

Қора металлар тайёр прокати, сульфат кислота, синтетик смола ва пластмассалар, темирчилик-пресслаш машиналари, юк вагонлари, иморатбоп ёғоч, қоғоз, цемент, трикотаж буюмлар ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш плани бажарилмай қолди.

Бир қанча саноат тармоқлари ишининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари, ишлаб чиқараётган маҳсулотининг сифати бир мунча яхшиланди. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг I кварталига нисбатан 21 процент кўпайди. Шу йилнинг 1 апрелигача 81 минг хил буюм давлат Сифат белгисини олди.

Корхоналар ва бирлашмаларнинг коллективлари социалистик мусобақа давомида қўшимча резервларни қидириб топиш, мавжуд камчиликларни тугатиш, ўнинчи беш йиллик якунловчи йили топшириқларининг бажарилишини таъминлаш борасидаги тадбирларни амалга оширмоқдалар.

(ТАСС).

ҒОЛИБЛАРНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» «ЛЕНИННОМА» КОНКУРСИ ЯКУНЛАНДИ

Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги муносабати билан Тошкент область журналистлар ташкилоти ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси йил бошида «Ленинном» конкурсини эълон қилган эдилар. Конкурсда ёзувчи ва журналистлар, газетанинг кўп сонли ишчи-деҳқон мухбирлари В. И. Ленинга бағишланган очерк, ҳикоя, публицистик мақола, лавҳа, достон, қасида, эсдаликлари билан қатнашдилар. Уларда буюк инсон Ленин ва унинг ўлмас ғоялари ҳар жабҳада тантана қилаётганлиги тараннум этилгандир. Ўлкамизда Ленин васиятларини амалга ошириш учун олиб борилган катта бунёдкорликлар, Ленин ишининг давомчилари бўлган барҳаёт ветеранлар, доҳий орзуларини рўёбга чиқараётган жажонда замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб материаллар олинди.

Конкурс жюриси бу материалларни кўриб чиқиб, қўйидаги **қарорга келди:**

— 100 сўмлик **иккинчи мукофот** — Бўка районидаги Ҳамза номли колхозининг бригада бошлиғи **Чори бахши Хўжамбахши ўғлига «Доҳий башорати»** достон-қасидаси учун;

— ҳар бири 75 сўмлик учта **учинчи мукофот** — газета мухбирлари **Раҳматилла Шералиев, Эркин Эрназаровга «Чўл қўшиғи»** очерки учун;

тарих фанлари кандидати **Ҳ. Турдиевга «Ильич билан учрашув»** материали учун;

шоир **Муҳаммад Алига «Боқий дунё»** шеърий романидан парча учун берилсин.

Жюри шунингдек, конкурсда қатнашган шоирлар **Э. Охунова, А. Аҳмедов**, ТошДУ доценти **В. Абдуллаев**, журналистлар **М. Ҳазратқулов, Б. Пўлатов** ўртоқларининг материалларини алоҳида таъкидлашни лозим топди.

Область журналистлар ташкилоти ва «Тошкент ҳақиқати» газета редколлегияси «Ленинном» конкурсини ўтказишда актив иштирок этган барча авторларга ўз ташаккурини изҳор этадилар.

Реклама ва эълонлар

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

23—29 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

БУТУНИТТИФОҚ ВА ХАЛҚАРО КОНКУРСЛАРНИНГ ЛАУРЕАТИ, ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

«ПЕСНЯРЫ» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Бадиий раҳбар — Владимир МУЛЯВИН.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали ҳамда Свердлов номли концерт зали кассаларида сотилади.

Коллектив заявкалар қабул қилинади.

Томошалар соат 14.00, 17.00 ва 20.00 да; шанба ва якшанба кунлари соат 11.00, 14.00, 17.00 ва 20.00 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

25 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

«КЎЗГА КЎРИНМАС ОДАМ»

ФАНТАСТИК-САРГУЗАШТЛИ АТТРАКЦИОН

«ЖАВОҲИРЛИ ТИЛЛА ТАЁҚЧА» халқаро мукофотининг эгаси, халқаро сеҳргарлар академиясининг профессори, Бутуниттифоқ кўригининг лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артисти

ОТАР РАТИАНИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан ишланди.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив заявкалар қабул қилинади.



ЮКСАК КЎРСАТКИЧЛАР БИЛАН

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент район партия комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия тарихи институти ҳамкорликда «Ленин иши яшайди ва ғалаба қозонади» деган темада илмий-амалий конференция ўтказдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия тарихи институти директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Х. Турсунов «Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсат тантанаси», Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов «Ленин юбилейига — зарбдор меҳнат» деган темаларда доклад қилдилар. Сўзга чиққан партия ветеранлари, ёш коммунистлар Ленин ғоялари районда қандай тантана қилаётганлигини қизиқарли фактлар билан баён этдилар.

Конференция йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

БУТУН дунё пролетариати доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига ўтказилган Коммунистик шанбаликда пойтахт областимиз ташкилотлари меҳнаткашлари ҳам юқори унум билан меҳнат қилдилар. Жумладан, область колхозлар қурилиш трестининг барча районлардаги коллективлари зарбдор ишлаб, қурилиш-монтаж ишларининг ҳар қачонгидан самарали ва сифатли бўлишига эришдилар.

Қизил шанбаликда 5 минг нафардан кўпроқ қишлоқ бунёдкорлари фаол иштирок этишди. Улар жами 107 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Бу куни ишлаб топилган 20 минг сўмдан ортиқ маош ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилди.

Коммунистик шанбалик куни ишга туширилиши лозим бўлган объектларга катта эътибор берилди. Бунёдкорлар бу объектларда барча ишларнинг юқори сифатли бажарилишига эришдилар. Меҳнат байрамида Ғалаба районидаги 71-колхозлараро кўчма механизациялашган колоннанинг илғор ишчиси, Ленин ордени кавалери Бурхон Мўминов, Пискент районидаги колхозлараро кўчма механизациялашган колоннадан Ориф Раҳматов, Янгийўл районидаги 74-колхозлараро кўчма механизациялашган колоннадан Георгий Куликов ўртоқлар бошчилик қилган комплекс бригадаларнинг коллективлари ленинчасига, зарбдорчасига меҳнат қилиб, энг юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бу коллективларнинг ҳар бири кунлик нормаларини 130—150 процентга етказиб бажаришди. Шунингдек, улар шанбалик куни тежаб қолинган ҳомашё ва материаллар ҳисобига ишладилар.

Қишлоқ бунёдкорлари якуловчи йилнинг биринчи кварталидаёқ 11 тоннадан зиёд металл конструкциялар, 138 тонна цемент ҳамда кўплаб бошқа бинокорлик материалларини тежаган эдилар. Шанбаликда мана шулар ҳисобига анчагина миқдордаги иш бажарилди.

Колхозлараро қурилиш трестининг ишчи ва хизматчилари 19 апрель куни қурилиш-монтаж ишларида юксак сураъатни таъминлаб, йил охиригача бу суръатни сусайтирмасликка, муваффақиятларни тобора мустаҳкамлаб боришга аҳд қилганлар. Бунинг учун мустаҳкам замин мавжуд. Трестга қарашли барча қуйи ташкилотлар зиммадаги планларни ҳамиша ошириб бажаришяпти. Шунинг учун ҳам трест коллективи 1979 йил социалистик мусобақаси якунлари бўйича ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди. Бу юксак мукофот қишлоқ бунёдкорларини янада катта зафарларга илҳомлантирмоқда. Ўтган йили умумий сатҳи 26 минг квадрат метр бўлган турар-жой бинолари, 6504 ўқувчи ўринли мактаблар, 800 ўринли касалхоналар, 2800 бош бузоққа мўлжалланган бузоқхоналар, 154 минг бош паррандага мўлжалланган товуқхона ҳамда қатор маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари қуриб фойдаланишга топширилди.

Сўнгги йилларда қишлоқларда кооператив қурилиш кенг авж олдирилятти. Трест бунёдкорлари бу борада белгиланган планни ҳам 500 минг сўм ортиғи билан бажаришди. Ўтган йилда умумий сатҳи 16635 квадрат метр бўлган кооператив уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Трест коллективи якуловчи йилнинг биринчи кварталида қурилиш-монтаж ишларини ҳам муддатидан илгари бажариб планни 103 процент адо этди. Барча резерв ва имкониятлар ютуқларни тобора мустаҳкамлашга, самарадорлик ва сифатни янада оширишга қаратилмоқда.

О. ЗОКИРОВ,
«Узколхозстрой» бирлашмаси матбуот марказининг ходими.

Илғорн хабар қилганимиздек В. И. Ленининг 110 йиллик юбилейи арафасида Янгиобод шаҳри марказида доҳийнинг бронза бюстн тантаналн равишда очилди. Ана шу муносабат билан бўлиб ўтган митингда меҳнаткашлар Ильичга бўлган ҳурмат-эҳтиромларини яна бкр карра намойиш қилдилар. Суратда: доҳий бюстининг очилиш маросими.

А. Абалян фотолари.

ОҲАНГАРОН ХАБАРЛАРИ

ШАХСИЙ БЕШ ЙИЛЛИК ОРТИҒИ БИЛАН

«Стройпластмасс» комбинати линолеум цехининг илғор аппаратчиси Ҳосият Мелибоева В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, беш йиллик планини ортиғи билан адо этди. У илғор тажрибалардан фойдаланиб, 176,9 минг квадрат метр линолеум ишлаб чиқарди.

19 апрель куни корхонанинг яна 20 нафар ишчиси шахсий беш йиллик планини ортиғи билан бажарганлиги ҳақида рапорт беришди.

МАКТАБДА МУЗЕЙ

Оҳангарон шаҳридаги Дзержинский номли 5-ўрта мактаб ўқувчилари юбилейга муносиб совға ҳозирладилар. Мактабда педагог Клавдия Алексеевна Харламова раҳбарлигида Ленин музейи очилди. Икки ҳонадан иборат музейнинг биринчи қисмида доҳий фаолиятига бағишланган турли ҳужжатлар, фотосуратлар ва бадиий сиёсий адабиётлар қўйилган. Иккинчи хонадан Разлив қўлидаги чайла, доҳий ишлаган пайтда фойдаланган тўнка ҳамда В. И. Ленин марказий музейи Тошкент филиалининг макетлари ўрин олган.

«РАДУГА» АНСАМБЛИ

Ю. Поломеев раҳбарлик қилаётган «Стройпластмасс» комбинатидаги «Радуга» ансамбли иштирокчилари ўзларининг ижрочилик маҳоратларини қунт билан ошириб бормоқдалар. Яқинда бу эстрада коллективи Коммунистик районида бўлиб ўтган область кўригида қатнашиб, учинчи ўринни эгаллади. Уларга кўрик фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо буюмлар мукофотга берилди.

«Радуга» энди эстрада ансамбллариинг республика кўригида иштирок этади.

А. НАВРЎЗОВ,
Б. АҲМЕДОВ.

1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ ҚОШИДАГИ 143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассисларни тайёрлайди: пойафзал бошлиғини бичувчи (ўқиш муддати — 2 йил), заготовка тикувчи (2 йил), пойафзал тикувчи (1 йил), контролёрлар, маҳсулотни қабул қилувчи (2 йил), электромонтёрлар (2 йил), слесарь (механик) (2 йил), аёллар сумкасини тикувчилар (1 йил).

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик, спорт ва ҳаваскорлар тўгараги мунтазам равишда ишлаб туради.

Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўладилар, уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, практикада ишланадиган иш ҳақининг ярми (50 процентн)ни оладилар.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ва чарм-галантерея фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирганларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справкалар, фотосурат (6 та 3х4 см.).

143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (84-автобус, 2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ

«СРЕДАЗГИПРОВОДХЛОПОК» институтининг Бекободдаги комплекс экспедицияси коллективи ҳам Коммунистик шанбаликни зўр уюшқоқлик билан ўтказди. Экспедиция ишчи ва хизматчилари юзлаб туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, буталар ўтказишди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида Ф. Хисматулина, Н. Павлова, И. Очилова, З. Мамутова, Х. Бердиев, Р. Ҳамзаев, А. Муродовлар актив иштирок этишди.

Ўтган йил шанбаликда жами бажарилган иш 1200 сўмни ташкил этган эди. Бу йил эса экспедициямиз ишчи ва хизматчиларининг фидокорона меҳнати туфайли бу рақам 1600 сўмни ташкил этди. Шанбаликдан тушган барча маблағ ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилди.

Х. ОТАҚУЛОВ.
экспедиция ходими, ишчи-мухбирлар университетининг тингловчиси.

* * *

Қизил шанбаликда барча олий ўқув юртлари қатори В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг студентлари ҳам актив иштирок этдилар. Улар Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг ҳар қачонгидан самарали ва сифатли бўлишига эришдилар.

ХАЛҚИМИЗНИНГ доҳий В. И. Ленинга бўлган меҳр-муҳаббатининг чексизлиги меҳнаткашларнинг юбилей мингдан зиёд дарахт кўчатлари бўлган боғ ва ҳиёбонлар барпо этилган. Уларни янада кўркам қилиш, қўшимча дарахт кўчатлари ўтказишда ҳар шанбаликда 1,5—2 минг киши иштирок этди.

Доҳий В. И. Ленининг 110 йиллигига бағишланган шанбаликда эса университетнинг 14 минг йигит ва қизлари актив қатнашишди. Улар 5600 туп дарахт ва гул кўчатлари ўтказишди.

Ф. МУМИНОВ,
университет Қизил шанбалик штабининг аъзоси.

* * *

«СРЕДАЗГИПРОВОДХЛОПОК» институтининг Бекободдаги комплекс экспедицияси коллективи ҳам Коммунистик шанбаликни зўр уюшқоқлик билан ўтказди. Экспедиция ишчи ва хизматчилари юзлаб туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, буталар ўтказишди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида Ф. Хисматулина, Н. Павлова, И. Очилова, З. Мамутова, Х. Бердиев, Р. Ҳамзаев, А. Муродовлар актив иштирок этишди.

Ўтган йил шанбаликда жами бажарилган иш 1200 сўмни ташкил этган эди. Бу йил эса экспедициямиз ишчи ва хизматчиларининг фидокорона меҳнати туфайли бу рақам 1600 сўмни ташкил этди. Шанбаликдан тушган барча маблағ ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилди.

Х. ОТАҚУЛОВ.
экспедиция ходими, ишчи-мухбирлар университетининг тингловчиси.

* * *

Қизил шанбаликда барча олий ўқув юртлари қатори В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг студентлари ҳам актив иштирок этдилар. Улар Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг ҳар қачонгидан самарали ва сифатли бўлишига эришдилар.

ХАЛҚИМИЗНИНГ доҳий В. И. Ленинга бўлган меҳр-муҳаббатининг чексизлиги меҳнаткашларнинг юбилей мингдан зиёд дарахт кўчатлари бўлган боғ ва ҳиёбонлар барпо этилган. Уларни янада кўркам қилиш, қўшимча дарахт кўчатлари ўтказишда ҳар шанбаликда 1,5—2 минг киши иштирок этди.

Доҳий В. И. Ленининг 110 йиллигига бағишланган шанбаликда эса университетнинг 14 минг йигит ва қизлари актив қатнашишди. Улар 5600 туп дарахт ва гул кўчатлари ўтказишди.

Ф. МУМИНОВ,
университет Қизил шанбалик штабининг аъзоси.

* * *

ХАЛҚИМИЗНИНГ доҳий В. И. Ленинга бўлган меҳр-муҳаббатининг чексизлиги меҳнаткашларнинг юбилей мингдан зиёд дарахт кўчатлари бўлган боғ ва ҳиёбонлар барпо этилган. Уларни янада кўркам қилиш, қўшимча дарахт кўчатлари ўтказишда ҳар шанбаликда 1,5—2 минг киши иштирок этди.

Доҳий В. И. Ленининг 110 йиллигига бағишланган шанбаликда эса университетнинг 14 минг йигит ва қизлари актив қатнашишди. Улар 5600 туп дарахт ва гул кўчатлари ўтказишди.

Ф. МУМИНОВ,
университет Қизил шанбалик штабининг аъзоси.

* * *

ХАЛҚИМИЗНИНГ доҳий В. И. Ленинга бўлган меҳр-муҳаббатининг чексизлиги меҳнаткашларнинг юбилей мингдан зиёд дарахт кўчатлари бўлган боғ ва ҳиёбонлар барпо этилган. Уларни янада кўркам қилиш, қўшимча дарахт кўчатлари ўтказишда ҳар шанбаликда 1,5—2 минг киши иштирок этди.

Доҳий В. И. Ленининг 110 йиллигига бағишланган шанбаликда эса университетнинг 14 минг йигит ва қизлари актив қатнашишди. Улар 5600 туп дарахт ва гул кўчатлари ўтказишди.

Ф. МУМИНОВ,
университет Қизил шанбалик штабининг аъзоси.

* * *

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Тошкент Давлат университетида «Университетлар дўстлиги» фестивалларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди.

1974 ва 1977 йилларда ўтказилган фестивалимиз мамлакатимиз халқларининг бузилмас бирлиги ва дўстлигининг ёркин намойишига айланган эди.

Кеча бу ерда яна жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган шодиёна бошланди. Бу йилги анжуман Тошкент Давлат университетининг 60 йиллик юбилейига бағишланди.

Бу байрамда иттифоқдош республикаларнинг 30 университетидан 1,5 минг ва 7 та чет эл университетидан келган меҳмонлар иштирок этадилар.

Бу каби фестивалларнинг тез-тез ўтказилиши ёш олимларни, студентларни ленинча назариянн чуқурроқ ўрганишга, аҳлоқий, эстетик ва жисмоний тарбияни такомиллаштиришга чорлайди.

Фестиваль қатнашчиларн Тошкент шаҳрининг эътиборга сазовор жойлари, ёдгорликлари, Тошкент университетининг кутубхоналари, ўқув корпуслари ва марказий В. И. Ленин музейи Тошкент филиалидаги доҳийнинг ўлмас ғояларини намоён этувчи экспонатлар билан таништадилар. Университетнинг маданият саройида ўтказиладиган турли конкурсларда иштирок этадилар.

Университетда иштирокчилари областимизнинг колхоз ва совхоз далаларида бўлиб, қишлоқ ёшларининг ҳаётлари билан ҳам таништадилар.

Фестиваль ёшлар интернационал дўстлигининг ёркин байрамига айланади.

М. УСМОНОВА.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.05 — Фильм-концерт. 11.45 — Ф. Мендельсоннинг концерт увертюралари. Концерт тугагач, янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Бахтли болалик. 16.55 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 17.25 — Л. Бетховен. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун 9-соната. 18.00 — Ёшлар адреслари. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Илғор тажриба — умумхалқ мулки. 20.05 — Ленин менинг қалбимда. 20.30 — Ленин ва давр. 21.30 — Время. 22.05 — Театр ва замон. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I

11.30 — Рус адабиётидан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совғаси учун анъанавий кўпкунлик велосипед пойгаси. 13.15 — Ишлаб чиқариш ва хўжалик ҳисоби. 17.30 — Мультфильм. 17.40 — Сўз кетидан сўз келар. 18.05 — В. И. Ленин музейидан репортаж. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — МАСК. Танаффус пайтида ахборот. 20.50 — Ильич севган асарлар. 21.30 — Время. 22.05 — Пиллачиларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 22.20 — Ишонч. Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Эстетика асослари. 21.05 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.35 — Физика. 22.35 — Телефильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IV да Қизил йилдаги кўк тулпорлар, 23/IV да Инқилоб тонги.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/IV да Сув келтирган азиз.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/IV да Фақат ақл сотилмайди, 23/IV да Корчалонлар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИГА

Тошкент шаҳри ва областидаги турар жойлар, саноат ва маданий-маиший объектлар қурилишида ишлаш учун барча разрядлаги электромонтажчилар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий пункт ва Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

(К. Маркс кўчаси, 32-уй)

18 май соат 11.00 дан бошлаб

ИНСТИТУТГА КИРУВЧИЛАР УЧУН

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ ЎТКАЗАДИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 328353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуш — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325643; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325694.

Р. 13839. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1590.